

ИМОМГА ИШОНЧ ҚАЧОН ОРТАДИ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда масжидлар обод қилиниб, намозхонларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда. 2022 йилда янги масжидларнинг 13 таси давлат рўйхатидан ўтказилиб, намозхонлар хизматига топширилди. Шунингдек, 50 та масжид қайта қурилиб, 38 таси тўла таъмирланди.

Айни пайтда 267 та масжидда қурилиш ишлари давом этмоқда. 2023 йил охиригача 49 та масжидни фойдаланишга топшириш, 161 та жомени қайта қуриш ва 23 тасини тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган.

Сўнгги икки йилда қурилиши давом этаётган масжидларга икки миллиард бир юз ўттиз миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Хозир республикамиз миқёсида катта йўл бўйларида 15 та масжид янги лойиҳа асосида тубдан қайта қурилмоқда, 7 та жомени қайта қуриш, 5 тасини йўл ёқасига кўчириш режа қилинган. Шунингдек, катта йўлларга яқин атрофдаги масжидлар номи ва масофасини кўрсатувчи маҳсус белгилар ўрнатилди.

Муҳими, юртдошларимиз ушбу масжидларда Рамазон, Қурбон ҳайитларини, ҳатми Қуръонлар ҳамда таровех намозларини жамоат бўлиб ўқиб, шукуҳга тўлиб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги ва равнақи, халқимизнинг янада фаровонлигини сўраб дуолар қилишмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси радио, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиёда ягона бўлган Фатво маркази ташкил этилди. Ушбу марказда юртимизнинг забардаст уламолари ҳамда фикҳ соҳаси олимлари иш олиб боради. “Колл марказ” ида мўмин-мусулмонларнинг саволларига ҳар жиҳатдан асосли жавоблар бериляпти. Саволлар электрон, ёзма ҳамда юзма-юз шаклда ҳам қабул килинади.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ҳамда Уламолар кенгаши томонидан марказга йўлланган саволлар саралаб

олиниб, яқинда “Фатволар тўплами: 500 саволга 500 жавоб” китоби нашр этилди.

Қуръони каримни ўрганишга бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида тажвид курслари фаолият кўрсатиб келяпти. Бугунга қадар 35 мингдан зиёд мўмин-мусулмонлар Қуръон ўқиши ўрганишди.

Чиндан ҳам диний-маърифий соҳада катта ислоҳотлар бўляпти. Бироқ олдинда муҳим вазифалар, муаммолар оз эмас. Жумладан, яқинда Бухородаги “Мир Араб” олий мадрасасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда туман-шаҳар бош имом-хатиблари учун аҳоли радикаллашувининг олдини олишга қаратилган малака ошириш ўқувларида бу ҳақда батафсил маълумотлар берилди.

Бугун имом-хатиблар жойларда диний-маърифий ишларни янада мазмунли ва таъсирчан олиб боришлари, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан сақлай билишлари, шунингдек, ўз ҳудудидаги одамларнинг дарду ташвишларини чукур ҳис этиб, уларнинг ҳар қандай кунида ҳам ёнида туриб, камарбаста бўлишлари лозим. Ана шундагина кишиларнинг имом-хатибларга ишончи ортади, уларни иззат-икром қилиб, кўрсатмаларига амал қила бошлайдилар.

Қолаверса, имом-хатиб ҳамда отинойилар халқимиз орасига тобора чуқурроқ кириб бориб, турли бидъат-хурофтларга қарши муросасиз бўлишлари, шариатда йўқ турли номлар билан аталадиган маросимларга ва динимиз ман этган ишларга қарши кенг кўламда тушунтириш ишларини йўлга кўйишилари лозим.

Демак, диний соҳа ходимлари бугунги кунимизнинг масъулиятини чукур англашлари, одамларнинг орзу-истаклари, уларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишларида кўмак беришлари зарур.

Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

Ибодатнинг моҳияти

Аллоҳ таоло бундай амр этади: “Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (*Зориёт сураси, 56-оят*). Оятдан маълумки, ибодат инсоннинг яратилишига сабаб бўлгани учун бу масалага жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда ибодатни бир мунча торроқ доирада тушунадиган бўлиб қолдик. Аксарият мусулмонлар ибодатни намоз, рўза, закот ва ҳаж амалларидангина иборат деб билишади. Аммо бу ибодатларнинг бошқа бир неча амаллар билангина муқаммал бўлишини унудишишмоқда.

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: “*Ислом беш нарса устига барпо қилинган: Аллоҳдан ўзга илоҳ ӣўқ ва Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бериш, намозни қоим қилиш, закотни адо этиш, Байтуллоҳни ҳажс қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш*” (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳадиси шарифнинг жумлалари га эътибор қаратилса, ҳозирги кунда Ислом деб қаралаётган намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари Ислом дейилмаяпти, балки Исломнинг асоси, пойдевори дейилмоқда.

Комил ибодат тушунчаси уламолар наздида икки қисмга – шаръий ва таомилий (ижтимоий ҳаётдаги хатти-ҳаракатлар) амалларга бўлинади. Юқорида санаб ўтилган ибодатлар, яъни Исломнинг беш аркони шаръий ибодатлар туркумiga киради. Уламолар бу икки қисм ибодатнинг баёнида, бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва бири иккинчисисиз комил бўлмайди, деб таъриф беришган. Ислом манбалари синчиклаб ўрганилса, бу масалада жуда кўплаб далилларни учратиш мумкин.

Жумладан, Жаъфар ибн Абу Толиб Нажоший ҳузурига кирганида, подшоҳ ундан Ислом қандай дин эканини сўрайди. Жаъфар ибн Абу Толиб:


– Эй подшоҳ! Бизга Аллоҳ таоло то ўз ичимиздан, омонатдор, тўғрисиз, ифратли, наслу насаби маълум ва машҳур бир кишини пайғамбар қилиб юбормагунича жоҳилият ҳолатида яшайдиган, бут-санамларга ибодат қиласидиган, ҳаром-ҳариш нарсаларни ҳам истеъмол қиласидиган, фаҳш ва бузук ишлардан тап тортмайдиган, қариндошлиқ ва қўшничилик алоқаларини боғламайдиган бир қавм эдик. Пайғамбар алайҳиссалом бизни Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилишимизга, тўғри сўзлашга, омонатга хиёнат қиласликка, ваъдага вафодорликка, силаи раҳмни боғлашга ҳамда қўшиналарга яхшилик қилиш каби чиройли хулқлар билан хулқланишга буюрдилар. Шунингдек, ҳаром қилинган нарсалардан ва ноҳақ қон тўкишдан қайтардилар, – деди.

Уламолар: “Ислом чиройли ахлоқ мажмуасидир”, деганлар. Яна: “Иймон – бу яхши хулқдир, кимнинг яхши хулқи зиёда бўлса, иймони зиёда бўлибди”, дейишган.

Таомилий ибодатлар одамлар ўзаро бир-бирлари билан бўладиган муомалаларда ўз аксини топган ва шаръий ибодатлар асосида барпо қилингандир. Мўмин-мусулмонлар ота-оналарнинг фарзандларига, фарзандларнинг ота-оналарига, қайнона-қайноталарнинг келин-куёвларида, келин-куёвларнинг қайнона-қайноталарига, шунингдек, қўни-қўшни, қариндош-уруғларнинг ўзаро бир-бирларига, ишчилар раҳбарларига, раҳбарларнинг ишчи-ходимларга бўладиган гўзал муомалаларини Ислом дини ибодат даражасига кўтартганини билишлари ва амал қилишлари жамиятда юксак маънавият барқарор бўлишининг энг муҳим омилидир.

Мұхаммадсiddик УСМОНОВ,
Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси
“Манбалар хазинаси” мудири

Мундарижас



Бугуннинг гапи

Имомга ишонч қачон
ортади? 1

Таянч нуқта

Ибодатнинг моҳияти 2

Тағсир

Омонатга вафо ва адолат 4

Аждодлар закоси

Кучли хотира 5

Саҳобалар ҳаёти

Язид ибн Абу Суфён 6

Насиҳат

Хатони тақрорламайлик... 7

Иzzатингдан айрилма

Оилада эркакнинг ўрни 8

Мавлуди шариф файзи

Салмоқли сийратнома 9

Огоҳлик – давр талаби

Фитна – кўз илғамас хатар 10

Жаҳолатга қарши – маърифат

Икки муҳим асар ва уларнинг
бугунги кундаги аҳамияти 12

Яхшиликка чақириш

Саховат – иймоннинг
қуввати 13

Убудият

Дунёни сарфлаш динга
зарар бермасин... 14

Динимизни ўрганамиз

Марҳумнинг васиятларини
адо этиш 15

Масала

Сўраган эдингиз... 16

Аслида қанақа?

Эртаклардаги ҳақиқатлар 18

Тазкия

Тиконли йўлда қалқонимиз 19

Маънавий мерос

Тавҳид калимаси таҳлили 20

Дунёдан дараклар

Ислом ва олам 21

Долзарб мавзу

Қайсаrlикнинг оқибати – ҳалокат 22

Ҳидоят – Аллоҳдан

“Талабинг биз эмасмиз...” 23

Шеърият

Қўзга ярашади севинч ёшлари... 24

Мунаввар олам

Маърифат аҳлига кўнгил қувончи 26

Саодат асрига саёҳат

Асиrlар ҳақида
музокара 28

Минтақа

Руанда
мусулмонлари 32



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤْدُوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تُحْكُمُوا بِالْعُدْلِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ نِعِمًا يَعْظُمُكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا ﴿٥٨﴾

Омонатга вафо ва адолат

“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга жуда яхши насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи Зотдир” (*Нисо сураси, 58-оят*).

Омонат шундай нарсаки, у ўз эгасига қайтарилсагина, ҳар икки томонни, яъни омонат берувчини ҳам, омонат олувчини ҳам хотиржам қиласиди ва шунга яраша икки томонга ажру савоблар ёзилади. Шу боис, Аллоҳ таоло омонатни ўз эгасига топширишни буюрди.

Имом Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Макка фатҳ қилинганида, Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: „Ё Расулуллоҳ, одамларга сув тарқатиш ва Каъбанинг эшик оғалигини бизга олиб берсангиз”, деди. Набий алайҳиссалом Шайба авлодидан Каъба калитларини олиб, Аббос розияллоҳу анҳуга бердилар. Шунда Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 58-оятини нозил қилди.

Шунда Расули акрам алайҳиссалом Каъба калитларини олиб, яна Шайба авлодига қайтариб бердилар ва: “Эй амаки! Аллоҳ таоло ҳеч кимга кулфат келтирилмасдан битириладиган ишни яхши кўради”, дедилар».

Муфассирлар: “Мазкур ояти каримада барча мутасаддилар учун омонатларни жой-жойига қўйиб, унинг заррасига ҳам хиёнат қилмасликка амр-буйруқ бор”, дейишган.

Омонат Аллоҳ билан банда орасида ҳам бўлади. Чунки Аллоҳ бандаларнинг руҳларига: “Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?” деб хитоб қилганида, улар:

“Албатта, Сен бизнинг Раббимизсан”, деб иқор бўлишган (*Аъроф сураси, 172-оят*). Аллоҳ бандаларидан аҳд олган, улар эса бу аҳдда мустаҳкам туришга ваъда берган. Агар банда бу аҳдни бузса, ваъдага хилоф, омонатга хиёнат қилган бўлади.

Омонат тоат-ибодатга бўлган амр, буйруқдир. Ким уни адо қиласа, омонатни адо этибди, ким буни тарк этса, омонатга хиёнат қилибди.

“Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингизга буюради”.

Афсуски, бугунги кунда айрим кимслар омонатдан қўрқмай қўйишли. Омонат борасидаги ўлчовлар, тушунчалар ўзгариб кетди. Бирордан қарзга пул олиб, қайтармай юриш, бирор берган омонат (қимматбаҳо буюм, пул, маблағ ва ҳоказо) га хиёнат қилиш оддий ҳолга айланди. Ваҳоланки, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бирор сенга бир калима айтиб, сўнгра атрофга қараб қўйса, билгинки, бу сўз омонатдир”, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: “Мунофиқнинг аломати учта: ёлғон гапиради; ваъда берса, ваъдасини бажармайди; омонат топширилса, хиёнат қиласи”, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Имом Зажжож айтади: “Аллоҳ буюрган ва қайтарган барча нарсалар омонатдир”.

Имом Захҳок айтган: “Аллоҳ таоло бу умматдан ҳалол-ҳаром, намоз каби фарз

нарсаларга ва бошқа омонатларга вафо қилишга аҳд-паймон олган. Аҳдлар ҳам худди шу каби бўлиб, Аллоҳ фарз қилган муҳкам нарсалардандир. Бирон-бир ҳолатда ҳам уни бузишга йўл йўқ”.

Муқотил ибн Ҳайён айтади: «Аллоҳ таоло: “Унинг Ўзигагина ибодат этишингиз ва қайтарган нарсаларидан қайтишингиз хусусида сизларнинг зиммангизга юклаган аҳдларга, мушриклар билан сизларнинг орангиздаги аҳдлар – битимларга ва инсонлар ўртасидаги аҳду паймонларга вафо қилинглар”, деб буюради.

“...одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюар”.

Зайд ибн Аслам розияллоҳу анҳу: “Бу оят ҳокимлар тўғрисида нозил бўлган”, дейди. Ҳадиси шарифда Набий алайҳиссалом: *“Модомики, ҳоким жабр қилмаса, Аллоҳ у биландир. Агар жабр қилса, ўзини ўзига вакил қилиб қўяди”*, деганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Бошқа бир ҳадисда: *“Бир соат адолатли ҳукм юритиш қирқ ишллик (нафл) ибодатга тенгдир”*, дейилган (*Имом Абу Ҳотим ривояти*).


Адолат билан иш юритиш жамият ва юрт тараққиётига хизмат қиласи. Адолат бўлмаган жойда барча айбдор бўлади. Шу боис ояти каримада “...одамлар ўртасида...” дейилмоқда. Шу сўз кишилик жамиятининг барча жабҳаларини қамраб олади.

Бир оятда икки буюк асосга – ҳам омонатга, ҳам адолатга иршод қилиш катта марҳаматdir. Шунинг учун оятнинг давомида: *“Аллоҳ сизларга жуда яхши насиҳат қилур!”* дейилмоқда.

Шундай экан, гўзал ваъз қилувчи Зотнинг буйруқларига “лаббай” деб, қайтариқлардан қайтсақ, омонатга хиёнат қилмасак, улуғ ажрларга эга бўламиз, иншоаллоҳ.

“Таъвилоту аҳлис сунна” ва боша манбалар асосида Шўрчи тумани бош имом-хатиби Асрорхон ҲАБИБУЛЛАЕВ тайёрлади.

Асрорхон домла Ҳабибуллаев 1980 или Сурхондарё вилоятида туғилган. 2001–2004 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. 2010 йилдан бери Шўрчи тумани “Ҳайдарқул ҳожи бобо” жоме масжиди имом-хатиби, 2013 йилдан туман бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.



Кучли хотира

Мирзо Улуғбекнинг фаросати ва хотирасининг қуввати шу даражада эдик, ҳар ерда бирор жоноворга ўқ узиб, ов қилса, шу тарихни эслаб қоларди. Сўнг воқеа куни ва қаерда бўлганини, жоноворлардан қайсилари ов қилинганини дафтарга битиб қўярди.

Тасодифан 5 та дафтар йўқолиб қолди ва қанча қидирсалар ҳам, уни тополмадилар. Дафтарни сақлаб юрган хизматчилар саросимага тушди.

Подшоҳ деди:

– Ташвиш тортманглар! Мен ўша дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан. Сўнг Улуғбек котибни чақиритириб айтиб турди, улар ёзиб олишди. Янги дафтар тўлган ҳам эдик, илгари йўқолган дафтар топилиб қолди. Ҳар иккала дафтарни солишириб, тўрт-бештадан ортиқ фарқ топмадилар.

Сабоқ. Илмни ёзиш билан қайд қилиб, “боғлаб” қўйиш лозим. Бундан ташқари, ёзилган нарсага тез-тез кўз югуртирилса, эътибор билан такрорланса, хотирада мустаҳкамланиб қолади. Улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.



Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам Язид ибн Абу Суфён Исломга кирганидан беҳад хурсанд бўлдилар. Чунки унинг табиатида жасурлик, мардлик ва муруват аломатлари балқиб турарди.

Язид ибн Абу Суфён

Хунайн ғазотидан кейин унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, юзта тую ва қирқ уқия (бир уқия 119 грамм) кумуш берилган. Буни ҳазрат Билол ўлчаб-тортиб, уйига олиб боради. Бу саҳоба Пайғамбаримизга қайни, яъни мўминлар онаси Рамла бинти Абу Суфённинг иниси бўлади. У Ислом келганда отаси Абу Суфён ибн Ҳарбнинг раъи учун Исломни қабул қилмаганди. Отаси Исломга кирганидан кейин иймон келтирди. Бу воқеа Фатҳ йилининг Рамазон ойида содир бўлди.

* * *

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу халифа бўлгач, бу умавий қаҳрамондаги куч-ғайрат, теран ақл, қатъият ва кучли иймонни мусулмонлар хизматига йўналтириди. Мусулмон қўшини раҳбари этиб тайинлашидан олдин, уни чақириб бундай насиҳат қилди:

«Эй Язид, шу чоққача қилган ишларинг туфайли сени “Хайр” деб зикр этдик. Энди сени қўшинга бошлиқ этиб, бу ишда маҳоратингни билмоқчиман. Агар уддаласанг, қўшинга қўмондон бўласан. Эй Язид, Аллоҳга тақво қил. Қўшиндагилар билан чиройли муомалада бўл. Уларни яхшиликка бошла. Насиҳатингни чўзма. Ўзингни ислоҳ қилсанг, одамларни ҳам ислоҳ қила оласан. Намозни ўз вақтида адо эт. Олдингга душман элчилари келса, уларга иззат-икром кўрсат, аммо ху-

зулингда кўп қолишига рухсат берма. Элчиларни лашкаринг кўп жойга тушир. Сирингни сиртга чиқарма”.

Абу Бакр Сиддиқ Рум ғазоти учун қўшинни Шом диёрига жўнатишга қарор қилди. Ҳар тарафдан мусулмонлар жамоасини тўплади. Қўшинни тўрт қисмга тақсимлаб, ҳар бир гуруҳнинг байроғини Бани Умайяning қаҳрамони Язид ибн Абу Суфёнга берди.

Қўшин Мадинадан чиқиб кетгач, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ мусулмон қўшини ва унинг ёш бошлиғи билан хайрлашгани чиқди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу пиёда, Язид отда борарди. Язид Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга:

– Эй Расулуллоҳнинг халифаси, мен отда юриб, сиз пиёда юрасизми?! – деб хижолатда эканини изҳор қилди ва отидан тушмоқчи бўлди. – Ё сиз ҳам отга мининг, мен тушай.

Абу Бакр қайтариб деди:

– Мен отга минмайман. Сен отдан тушмайсан, қадамларим Аллоҳнинг йўлида деб ҳисоблайман.

Сўнг Язидга яна бундай насиҳат қилди: “Сизлар турли ва анвойи таомлар тановул этиладиган бир шаҳарга тушасизлар. Унинг аввалида Аллоҳнинг номини зикр этинглар ва унинг охирида Аллоҳга ҳамд айтинглар. Ношуқр ва кибр-ҳаво қилишдан эҳтиёт бўлинглар. Мен сенга ўнта калимани васият қиласман: аёлларни, ёш болаларни ва кекса қарияларни қатл этманглар. Яна мева берадиган дарахтни кесманглар. Обод уйларни вайрон қилманглар. Туяни ё қўйни фақат ейиш ниятида сўйинглар. Бир туп ҳурмони таҳқирламанглар. Хиёнат қилманглар ва ёлғон сўзламанглар”.

* * *

Мусулмон қўшини Ярмукка тушгач, Язид Рум қўшини бошлиғига гаплашиб



олмоқчи эканини айтиб, одам юборди. Кейин бир неча саҳоба билан улар турган жойга борди. Рум қўшини бошлиғи ўзига ҳаммаёғи ипак мато билан ўралган катта чодир қуриб олганини кўрдилар. Язид ва у билан бирга келганлар чодирга киришдан бош тортиб: “Бизлар ипакни эр кишига ҳалол деб билмаймиз, ўзинг олдимизга чиқ”, дейишди. Уларнинг талабига биноан душман қўмондони чодиридан чиқиб гаплашди. Аммо мусулмонларнинг шартини қабул қилмади.

Икки қўшин тўқнашганида кексайиб қолган Абу Суфён ўғли Язидга бундай деди:

– Эй ўғлим, бу ерда мусулмонлардан ҳеч ким тирик қолишига қўзим етмаяпти. Мусулмонлар ишига раҳбар қилиб қўйилган экансан, қўшиндан бирор киши жангда сабрда ва ажр олишда сендан кўра рағбатлироқ бўлмасин. Душманга сендан кўра журъатлироқ бўлмасин! Имонингни, шаънингни қонингдан, жонингдан баланд тут...

Язид:

– Эй отажон, иншоаллоҳ, шундай қиламан, – деди. Ҳайбат билан душман устига ташланди.

* * *

Язид мадори қуриб ҳолсизланиб қолганида Шураҳбил ибн Ҳасаннинг: “Аллоҳ мўминларга жаннатни бериш эвазига жонлари ва молларини сотиб олади. Раббilarининг розилигини хоҳлаб Аллоҳ учун жонларини сотувчилар қани?! Аллоҳнинг йўзида Унга қўшни бўлишга муштоқ бўлувчилар қани?!” деб бақираётган овозини эшитди. Қайтадан шижаот пайдо бўлиб, қўшинга ҳам далда бериб, жанг қилди. Мусулмонлар озчилик бўлган бу жангда Аллоҳ таоло Язиднинг қўшинига нусрат ато этди. Жангдан кейин Рум қўшини Шом диёрида кўп турмади.

* * *

Язид ибн Абу Суфён жанг майдонларида кўп марталяб зафар қучди. Дамашқни фатҳ қилган тўрт қўмондондан бирига айланди. У яна Байрут, Сайдо ва Лубнон диёrlарини фатҳ этишда ҳам қатнашди.

*Манбалар асосида Ҳазорасп тумани
“Султон Хубби” жоме масжиди имом-хатиби
Иzzat OTAJONOV тайёрлади.*



Иzzat Otajonov 1986 йили Хоразм вилоятида таваллуд топган. 2004–2008 йилларда Урганч шаҳридаги “Имом Фахриддин ар-Розий” мадрасасида таълим олган. 2008 йилдан бери Ҳазорасп туманидаги “Султон Хубби” жоме масжиди имом-хатиби.


عن أبي هريرة رضي الله عنه،
عن النبي صلى الله عليه وسلم
قال: «لا يلدغ المؤمن من جحر
واحد مرتين» (رواہ البخاری)

ХАТОНИ такрорламайлик...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Мўмин бир тешикдан икки марта чақтирмаиди*”, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Шарҳ: Биз “тешик” деб таржима қилган ибора аслида игна санчмай, тишлиб чақадиган заҳарли ҳайвонларнинг уяси маъносидадир. Мисол учун, бир одам билмасдан қўлини илоннинг уясига тикиб, чақтириб олса, ақли бўлса, иккинчи марта ўзини бу мусибатга гирифтор қилмайди. Мўмин киши дунёнинг барча ишларига динимиз ҳукмига асосан оқилона ёндашиши лозим. Шундагина у йўл қўйган хатосини яна қайта такрорламайдиган бўлади.



– Онаси, пул бер, эртага ўртоқларим билан ошим бор эди.

Азиз аканинг бемаҳал пул сўраганидан Гули опанинг жаҳли чиқди. Бунинг устига ўғлининг ҳам мактабига пул керак.

– Шу пулни олинг-да, бошқа сўраманг, етса – боринг, бўлмаса – йўқ, – деди.

нинг ҳаммаси ҳам бева ёки ажрашган эмас. Қанчадан-қанчаси фарзандларига қўшиб эрини ҳам боқмоқда. Бозорчи аёлларнинг жанжалига қараб оила бошлиқлиги аёл киши учун қанчалар хунук кўринини осон англаймиз. Яна шундай оналар ўғли “хотин қули” эканини айтишади. Аслида, фарзанд отадан намуна олишини ўйлашмайди.

Оилада эркакнинг ўрни

“Бундай эркаклар йўқ. Нима деяпсиз?” деб эътиroz билдиришга шошилманг. Афсус, хозир шундай эркаклар, оталар бор. Уйда аёlinинг қўлига қараб кунини бекорчилик билан ўтказаётган, пул топиб келмагани етмагандек, аёlinи дўппослаётганлар ҳам йўқ эмас. Оилада аёл аёллигини, эркак эрлигини қилмаётганига сабаблар кўп. Аввало, оиладаги муҳит, моддий қийинчиликлар, қариндош-уругларнинг бегона бўлиб кетаётгани бунга сабаб бўлмоқда. Энг муҳим жиҳати, оилада исломий таълим-тарбиянинг йўқлигидир.

Куръони каримда: “**Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларни айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз молмулларидан сарф қилиб туришларидир**” (*Нисо сураси, 34-оят*), дейилган.

Шунингдек, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Сизларнинг ичингиздаги энг яхшингиз ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлганидир. Мен эса ўз аҳлигина сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман**”, деганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Негадир айрим эркаклар ана шу “бошлиқ”лик вазифасини бажаришни хоҳламаяпти. Ҳар ой иш алмаштирадиган, “Мен бошлиқнинг муомаласини кўтаролмайман” деб ҳар ҳафта ишдан бўшаб келадиганлар кўпайди. Қизиги, бошлиқнинг муносабатини кўтаролмайди-ку, аёlinинг таънадашномларини хотиржам қабул қилишади.

Бугун бозорларда савдо қилаётганларнинг асосий қисми аёллар. Ваҳоланки, савдо кўпроқ эркакларнинг иши. Ўша аёллар-

Яна бир масала – атрофдагиларнинг муносабати. Бугун орамизда “Суюнчи” видеоФильмидаги “Анзират” оналардай жонкуярлар йўқолиб кетди. Бирорнинг тақдири бирорвга қизиқ эмас. Ўзим бўлай дегувчилар кўпайиб кетди. Ачинарлиси, қариндошлар, жондош ака-укалар орасида ҳам ана шундайлар йўқ эмас. Ака келиб укасига танбех беришни, ялқовликда айблашни билади. Бироқ уни тингловчи, муаммосини ҳал қилувчи бир меҳрибони йўқ. Укасини “бўлиши шу” дея ташлаб кетаётган, бир кўмак билан чекланиб қолаётганлар оз эмас.

Энг яхши тайёрлов оила, ёши улуғ инсонларнинг насиҳати эмасми? Баъзан муаммоларни руҳиятшунослар билан ҳал этишга уринишларидан ҳайрон қоламан. Сабаби, ҳалқимизнинг ўзи энг яхши психолог. Кўпни кўрган шундай отахонлар борки, йигитларимиз ўтган ўша муаммоларни енгиб ўтишган.

Фарзандларимиз орасида “Мен онамга ўхшашни истайман”, “Ойи, пул беринг”, дегувчилар кўпайди. Отанинг оилада ўрни фақатгина моддият билан боғлиқ эмас. Унинг маънавий таъсири ҳам бор. Ўғлини эшитадиган, у билан сұхбат қурадиган оталар камайиб бормоқда. Агар отанинг оила-да ўрни бўлмаса, бола учун унинг гапи аҳамиятсиз. Ўрни бўлса ҳам, тарбия қилишга вақт ажратмаса, бу ҳам болада отага бўлган муносабатнинг ёмонлашувига сабаб бўлади.


Демак, жамиятда эркакларни фақат пул топиш билан боғлаб қўймасдан фарзандлар билан шуғулланишлари учун ҳам имкон бериш тўғри бўлади. Зоро, жамиятга кела-жак авлоднинг эртасини таъминлайдиган ҳақиқий оталар керак.

Камола АДАШБОЕВА

Салмоқли сийратнома

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев сийратга доир манбалар асосида “Сарвари олам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари тарихи” деб номланган асар ёзди.

– Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида қамрови кенг бундай назмий асар бизда ҳали ёзилмаган эди, – дейди китоб муҳаррири академик Акмал Саидов. – Шу жиҳатдан уни ўзбек адабиётида гина эмас, балки Ислом оламида



ҳам энг салмоқли назмий сийратномалардан дейиш мумкин. Унда ёшларни зарарли йўллардан қайтарувчи, эзгуликка, комил инсон бўлишга чақиравчи foялар мужассам. «Zilol

buloq» нашриётида чоп этилган манзумага Шайх Абдулазиз Мансур ва марҳум профессор Убайдулла Уватов тақризчи бўлишган.

Носир ТОИРОВ,

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси

Олимжон БЎРИЕВ

ЕТИМ ГЎДАК БАРАКОТИ*

Ҳалима эди бир фақир, хокисор,
Ҳеч ким бермас эди диққат-эътибор.
Оддий аёлга хос эмизиб бола,
Ночорликдан доим қиласарди нола.
Қурайшилик гўдакнинг шарофати-ла,
Унинг ҳусну хушбўй зарофати-ла,
Эҳтиромга бўлиб Ҳалима лойиқ,
Бошқача қарарди унга халойиқ.
Чунки гўдакдаги инжа хосият,
Унга бердирарди катта аҳамият!
Бани Саъд ерига кам ёғиб ёмғир,
Курғоқчилик ила йил кечди оғир.
Молу ҳол ейишга топмай хас-хашиб,
Озиб-тўзиб бўлди мисли акашак.
Тўйиб ўтламаса, қўю туя, мол,
На сўйиб, на соғиб бўлади алҳол.
Чорвадорлар учун озуқаю қут
Моллар елинидан соғилгувчи сут.
Чорваси оч қолгач, одамлар ҳам оч,
Тирик жон чидагай топиб бир илож.
Ва лекин Ҳалима бундан мустасно,
Очга ўхшамасди моллари асло.
Семириб, кўпайиб берар эди тўл,
Соғанданду сути ҳам эди жуда мўл!
– Ҳалима уйига кириб баракот,
Кўпларга сезилди эзгу ҳаракат.
Ҳалима моллари ўтласа қайдা,
Бизнинг молларни ҳам ул томон ҳайдада,
Дер эди қўшнилар, чўпонлар ҳайрон,
Яйлови бир эди, битта биёбон.

Аралашиб сигир, туя, қўй-қўзи
Ризқин топиб егай ҳар бири ўзи.
Ҳалима молларин ажратиб шахсан
Бирор едирмасди хас-хашиб, пичан.
Кузатиб, текшириб кўрдилар бир-бир,
Ақл бовар қилмас бу иши эди сир.
Етим гўдак эди барига сабаб,
Ҳалима у боис эди боматлаб.
Етим деб, гўдакка бермай эътибор
Кетганлар пушаймон эдилар бисёр.
Ҳалима ҳам топса бошқа чақалоқ,
Олмас эди етим болани мутлоқ.
Бироқ у бахтиёр кеч қолганидан
Ҳам чорасиз қолиб сўнг олганидан.
Қабила аҳли, бас, унга бериб тан,
Ҳалимага бари ўқирди аҳсан,
Муҳаммадни олиб келгани учун
Ҳатто ундан эди болалар мамнун.
Ширин чақалоққа гирдикапалак
Эди буткул аҳли қабила ҳалак.
Саҳрои араблар, шахсан Бани Саъд
Қавми бағрикенгдир, билмас не ҳасад.
Улар эзгулик-ла қилишиб ҳавас,
Тинч-тотув яшарди бари ҳамнафас.
Ҳеч кимса ўзгага етказмай зиён,
Барча ўз иши-ла эди андармон.
Бу қавм одамлари саналгай авло,
Шу боис бўлажак элчисин Мавло
Юборди, комилан топса парварии,
Яратган измида эрур ҳар бир иши!

* “Сарвари олам Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари тарихи” асаридан парча.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий

Фитна рўй бергач¹, бизга кишиларингизни номланглар, дейишарди. Агар у аҳли суннадан бўлса, айтган ҳадиси олинарди,

Фитна – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

ФИТНАЧИННИГ СЎЗИ ВА ГУВОҲЛИГИ ОЛИММАС

Фитна фосиқлиkdir. Фосиқлик эса ҳаром амалdir. Бунга мусулмонлар ижмо қилганлар. Фитна ҳаддидан ошиш саналиб, унинг соҳиби икки дунёда азобга ҳақли бўлган киши ҳисобланади. Фақиҳлар фосиқнинг гувоҳлиги мақбул эмаслигига иттифоқ қилганлар. Чунки гувоҳликда адолатли бўлиш шарт. Фитначи фосиқда адолат топилмагани учун унинг сўзи ва гувоҳлиги қабул қилинмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни бир неча оятларida бизларни адолатга чақиради:

“Эй имон келтирганлар!
Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардор Зотдир” (Муода сураси, 8-оят).

Фақиҳлар фосиқнинг гувоҳлиги мақбул эмаслигига қуйидаги оятни далил қилиб келтирганлар:

“Ва сиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглар” (Талоқ сураси, 2-оят).

“Эй имон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар” (Хужурот сураси, 6-оят).

Ибн Сириндан ривоят қилинади:

“Одамлар санад ҳақида сўрамас эдилар.

аҳли бидъат бўлса, айтган ҳадиси олинмасди” (Имом Муслим ривояти).

Мана бу асардан ўтган улуғларимиз фитна вақтида фитначи ва бидъатчиларга нисбатан қандай муомала қилганлари ёрқин кўриниб турибди.

ФИТНАНИ ТИЛ БОШЛАБ, ҚЎЛ ДАВОМ ЭТТИРАДИ



Ўтган улуғ зотлар фитна вақтида сукут сақлаб, гапирмас эдилар. Фитнанинг ёмонлигидан паноҳ сўраб дуо қиласидилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Киши кераксиз бўлган нарсаларни тарқ этиши Исломининг гўзаллигидандир”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Динимиз фитнага бош кўшиб, унга аралашиб бирор оғиз сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто кераксиз ва лағв сўзларни айтишдан ҳам қайтарган.

Тилни икки қиличининг бири дейилади. Лекин баъзи сўзларнинг тифи ханжар дамидан ўткирроқ бўлади. Қилич етказган зарар тузалади. Аммо тил етказган жароҳат асло тузалмайди. Абдурауф Муновий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Қиличининг зарби бир кишига етса, тилнинг зарби минглаб кишиларга таъсир қиласи”.

Фитна вақтида мусулмон ўзини қандай тутиши лозим? Нималар қилиш ва нималар қилмаслик керак? Бу борадаги динимиз кўрсатмаси қандай? Мана шу нарсаларни ҳар бир оқил киши яхшилаб мулоҳаза қилиши керак.

¹ Бу ўринда фитнадан Усмон розияллоҳу анхунинг шаҳид қилиниши назарда тутилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, келајсакда кар, соқов, кўр фитналар бўлади. Ким унга йўлиқса, уни ҳалок қиласди. Ўшанда тилни бўш қўйиш қилич чиқариш кабидир”, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Фитна уч: кар, кўр ва соқов сифатлар билан сифатланмоқда. Фитна кардир. У бўлган вақтда инсон ҳақни эшитмайди. Фитна соқовдир. У бўлган вақтда ҳақ гапирилмайди. Фитна кўрдир. У бўлган вақтда ҳақ кўринмайди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фитналардан сақланинг. Фитна (вақти)да тил ханжар зарби кабидир”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Яқинлашиб қолган ёмонлик сабабли арабларга вайл бўлсин! Қўлини тортган киши најсотга эришди”, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Удайса бинти Уҳбон розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Али ибн Абу Толиб мана бу ерга – Басрага келди. Отамнинг ҳузурига кириб: “Эй Абу Муслим! Мана бу қавмга қарши менга ёрдам бермайсанми?” деди. У: “Ҳа, ёрдам бераман”, деди. Кейин жориясини чақириб унга: “Қиличимни олиб чиқ”, деди. Жория уни олиб чиқди. У қиличининг бир қарич ерини ўткирлади. Не кўз билан кўрсинки, у ёғоч эди. У: “Халилим ва амакингнинг ўғли (Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар мусулмонлар ўртасида фитна бўлса, ёғочдан қилич ясада олишимни тайинлаган. Агар хоҳласанг, сен билан бирга чиқаман”, деди. “Шунда (Али розияллоҳу анҳу) менга сенинг ҳам, қиличингнинг ҳам кераги йўқ”, деди» (Имом Ибн Можа ривояти).

Бу ҳадисдан ҳам кўриниб турибдики, саҳобалар ўзларини фитналардан қаттиқ эҳтиёт қилишган. Ҳатто фитнага аралаш-масликка аҳд берганлар.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта қиёмат олдидан кечанинг зулматли қисмига ўхшафитналар бўлади. Ўшандакиши мўмин бўлиб тонг оттириб, коғир бўлиб кеч киритади. Мўмин бўлиб кеч киритиб, коғир бўлиб тонг оттиради. Унда ўтирган тургандан яхши, турган юргандан яхши, юрган ҳаракат қилгандан яхшидир. Ўшандакамонларингизни синдиринг, (ундаги) ипларингизни узинг ва қиличларингиз билан тошни уринг. Бирингизнинг (уийига) кирилса, Одам болаларини яхшиси каби бўлинг”, дедилар» (Имом Ибн Можа ривояти).

Камонни синдириб, унинг ипини узинг. Ўзингиз ҳам, ўзгалар ҳам камон или билан бир ноҳушликка қўл урмасин. Қилич ёки унга ўхшаган совуқ қуролларни тошга уринг, ўтмас бўлиб яроқсиз ҳолга келсин.

Абу Бурда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мұхаммад ибн Масламанинг олдига кирдим. У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, келајсакда кўп фитна, фирқаланиш ва ихтилофлар бўлади. Шундай вақт келганида қиличингни Ҳуд (тоғига) олиб бор-да, то синиб кетгунича унга ур. Кейин то хатокор қўл ёки ҳукм қилинган ўлим келгунича уйингда ўтири”, дедилар”, деди» (Имом Ибн Можа ривояти).

“...то хатокор қўл ёки ҳукм қилинган ўлим келгунича уйингда ўтири”, яъни меҳрибон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна вақтида қурол кўтариб, қўлни қонга ботириб хато қилиб қўйишдан қаттиқ қайтармоқдалар. Фитналар вақтида мусулмон кишига ва-фот топгунигача уйдан чиқмаслигини тайинламоқдалар.

Мулла Али Қорий раҳматуллоҳи алайҳ ҳадис шарҳида айтади: “Инсонлар фитна вақтида ҳақ билан ботилни ажратадилар. Насиҳат, амри маъруф ва наҳий мункарни эшитмайдилар. Ким ҳақни гапирса, унга озор берилади, синов ва машақкатга йўлиқади”.

(Давоми келгуси сонда.)

ИККИ МУҲИМ АСАР

ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти

Илм – Аллоҳ таолонинг инсониятга ато этган бебаҳо неъмати. Бу неъматга мушарраф бўлганлар эса Аллоҳ таоло азиз қилган зотлардир.

Биринчи ренессанс даври бўлмиш биринчи минг йилликнинг сўнгги чораги ва иккинчи минг йилликнинг биринчи чорагида диёrimизда илмнинг деярли барча соҳаларида ижод қилган буюк алломалар етишиб чиқди. Улардан бири Зоҳид Бухорийдир (в. 546 ҳ./1151 м.) У зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдураҳмон ибн Аҳмад Абу Абдуллоҳ Алоуддин Бухорий бўлиб, “Зоҳид” лақаби билан танилган.

Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг айтишича, Муҳаммад ибн Абдураҳмон фақих, муфтий, усулий, мутакаллим фозил зот бўлган. Олим минг жуздан иборат тафсир таълиф қилган¹. Афсус, ушбу китоблари бизгача етиб келмаган. Зоҳид Бухорий фиқҳни Абу Наср Аҳмад ибн Абдураҳмон Рийғзамунийдан² ўрганди.

У зот “Хидоя” асари соҳиби Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан биридир. Марғиноний у зотни шайхлари қаторида зикр қилиб, бундай деган: “Ўзлари билган саҳиҳ ҳадисларни ривоят қилишимга ҳамда ўзлари ижоза олган ва тасниф қилган китобларига ижоза ёзиб берганлар”³.

Муҳаммад ибн Абдураҳмон Бухорийдан бизгача етиб келган ягона асар “Маҳосинул ислам ва шароиъул ислам” (Ислом дини гўзалликлари ва Ислом шариати) китобидир. Асарда Ислом шариатида ўйлга қўйилган амалларнинг гўзал жиҳатлари баён этилади. Жумладан, иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж, никоҳ ва савдо, сулҳ, даъво каби фиқҳий бобларнинг ҳар бирига тўхталиб, дунёвий ва ухровий манфаатлари ҳақида сўз юритилган.

“Шуни билингки, биродарларим, дин илмини гарчи Чинда бўлса ҳам талаб қилмоқ фарздир! Узоқ жойдаги нарсани талаб қилган кишига, албатта, мashaққат етиши аниқ. Шундай экан, аввало, талаб қилинаётган нарсадан етадиган манфаатни яхши билиб олиш лозим. Шунда бу йўлдаги мashaққатни енгиш осон кечади. Кексайган чоғимда Ислом шариати гўзалликлари ҳақида изланишимга шу нарса туртки бўлди”, дейди муаллиф⁴.

Сўнгра “Иймон китоби” сарлавҳаси остида иймоннинг рукнлари бўлмиш тил билан иқрор қилиш, қалб билан тасдиқлашнинг ҳикматини шарҳлашга ўтади: “Тана аъзолари орасида энг шарафлиси (тил)ни энг шарафли калима (иймон килимаси) ни айтиш учун ишлатиш лозим. Чунки бу сизни ушбу аъзо билан гапирадиган қилиб қўйгани эвазига Аллоҳ таолога айтган ҳамдингиз бўлади. Зеро, У сизни беминнат яратди, ризқ берди ва ҳидоят билан шарафлантириди. Унга қиласидиган ибодатингиз эвазига эса, сизга кўп яхшиликлар ато этишни ваъда қилди. Агар Аллоҳ берган неъматларни санасангиз, адофига ета олмайсиз...

Ҳар гал ушбу калом (иймон килимаси)-ни айтган киши фарзни адо этганчалик савобга эришади. Уни (орада) тарқ этса, гуноҳкор бўлмайди. Агар уни минг йил қуфрда яшаган одам бир марта айтса, (куфр) туғёнидан ҳеч вақо қолмайди. Бас, шундай экан, агар мўмин одам айтса, албатта, унинг номаи аъмолидаги исёнларидан ҳеч вақо қолмайди. Демак, ширк учун каффорат бўлган нарса маъсият учун каффорат бўлиши аниқ”⁵.

* * *

Ушбу мавзуда қалам тебратган яна бир буюк ватандошимиз Абу Бақр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший

(291 ҳ./903 м.) бўлиб, у зотнинг ҳам “Маҳосину什 шариъа” (“Ислом шариати гўзалликлари”) номли асари бор.

Бундан қарийб минг йил олдин ёзилган бу икки асарнинг бугунги кундаги аҳамияти жуда юқори. Сир эмас, XXI аср маданиятлар, урф-одатлар, ҳатто диний қарашлар ҳам бир-бири билан тўқнаш келаётган мураккаб давр бўлди. Ўз маданияти ва эътиқодида мустаҳкам турга олмаган жамият кишилари ёт ғоя ва маданиятларнинг қурбонига айланмоқда. Жумладан, Исломга қарши хуружлар кўпайди. Бир томондан Ислом ниқоби остида экстремистик ва радикал тоифалар динимизни ёмонотлиқ қилишга уринаётган бўлса, иккинчи томондан, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга туҳматчи карикатуралар нашр этиш, Куръони каримни намойишкорона ёқиши каби қабиҳ ҳаракатлар шаклида динга хужум уюштирилмоқда.

Бузғунчи экстремисту радикаллар ва оммага Исломни олабўжи қилиб кўрсатишга уринаётган кучлар – шайтон лашкарлари, ёлғончилар, ахлоқи бузук беҳаёларга қарши Исломнинг асл ғояси эзгулик эканини тараннум этиш, унинг номидаги тинчлик маъносидан тортиб, шариат аҳкомлари замирида инсон манфаати, унинг дунё ва охират саодати ётганини баён этиб бериш айни муддао. Зеро, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори замирида ҳам айнан шу мақсад ётибди. Ушбу эзгу ғояни самарали амалга оширишда буюк ватандошларимиз Зоҳид Бухорий ҳамда Қафвол Шошийнинг юқоридаги асарларидан муҳим манба сифатида фойдаланишимиз лозим.

Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринbosари

¹ Ас-Самъоний. “Муъжамул кабир”.

² Бухородаги Рийғамун қишлоғига нисбат.

(Ибнүл Асир. “Ал-Лубоб фил ансоб”).

³ Ал-Қураший. “Жавоҳирул музийя”.

⁴ “Маҳосинул ислам ва шароъиул ислам”, 3-бет.

⁵ Ўша асар, 4–5-бетлар.

Саховат – ИЙМОННИНГ ҚУВВАТИ

Шайх Абу Мансур Мотуридий раҳима-хуллоҳдан ривоят қилинади:

«Хар бир мусулмон киши ўз фарзандига Аллоҳга иймон келтирмоқни таълим бермоғи вожиб бўлгани каби уларни сахийлик ва очиқўлликка одатлантирмоғи ҳам лозим. Зеро, динда баҳилликдан кўра буюкроқ оғат йўқ. Баҳиллик феълида Аллоҳ таолога нисбатан бадгумонликдан бошқа нарса бўлмаганида эди, шунинг ўзи ҳам ҳалокатга етарли бўларди. Саховатда эса, Аллоҳ таолога нисбатан хуснуззон, яъни яхши гумонлик бўлиб, у тамомий шарафдир. Чунки саховат билан иймоннинг қуввати зиёда бўлади. Иймон эса, диннинг аслидир. Шунингдек, саховат ила халойиқнинг қалбida муҳаббати ортади. Саховат туфайли бутун оламларнинг тилида мақталишларини сўраган эдилар.

Зеро, Халилуллоҳ Иброҳим алайҳиссалом ҳам Аллоҳ таолодан Хотамул анбиё Мұхаммад алайҳиссаломнинг умматлари тилида мақталишларини сўраган эдилар:

**“Яна мен учун (менинг ҳакимда) кейин-
гилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин!”**
(Шуаро сураси, 84-оят).

Муфассирлар “яхши гаплар”дан мурод мақтовлар деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳар намоздаги салавотда у зотга мақтов айтиш жорий бўлиши ҳам шундан: **“Аллоҳумма
солли ала Мұхаммадин кама соллайта ала
Иброҳийма...”** деб намознинг охирида салавот айтилади. Мана шу ҳам саховатнинг самараси ва садақанинг гўзал жиҳатидандир».

*Мұхаммад ибн Абдураҳмон Бухорийнинг
“Маҳосинул ислом ва шароъиул ислом”
китобидан.*



Мен бойлик фитнасини ёқтирганимдек, фақирлик фитнасини ҳам асло хушламайман. Бой одам гоҳида түғёнга кетса, фақир гоҳида хор бўлади. Мўмин киши эса түғёнга кетишини ҳам, хорликни ҳам ёқламайди.

Гоҳида бойлик бузук эътиқодларнинг ташаббускорларини қўллаб-кувватлашга хизмат қилса, гоҳида фақирлик ҳақнинг хорланиб қолишига, ҳақиқат поймол бўлишига сабаб бўлади. Шу боис, иймон аҳли ўз қадриятларини асраш, Ер юзида ўзларининг муносиб ўринларига эга бўлишлари учун мол-дунёга эга бўлишлари лозим.

Имом Шофеъий баъзи одамларнинг қўлида ижтимоий вазифасини бажармай турган молу давлатни кўрганларида ох уриб, маҳзун бўлган ва бундай деган:

Узоқ сукутдан сўнг дирҳамлар тилга кириб,
Сукут сақлаб турган инсонларга деди:

- Бирор кимсага мурувват кўрсатмадинг,
- Бирор уйни саҳоват-ла шод қилмадинг.

Тўғри, ҳаётда бойлик фақат түғёнга, фақирлик фақат хорликка элтмайди. Кўплаб саҳоватли бойлар бор, иффатли фақирлар ҳам кўп. Кўплаб мулқдорлар камбағалпарвар, халқ хизматидан ёрдамини аямайди. Кўплаб камбағаллар ўз қадрларини ерга урмай, боқимандаликдан ўзларини тийиб яшайди.

Айрим китобларда бойлик қораланган. Аслида, мол-дунё қўп бўлиб, яхшиликларга, хайрларга васила бўлса, қандай ҳам яхши. Ахир Усмон ибн Аффон ва Абдурраҳмон ибн Авғ розияллоҳу анҳумонинг бойлиги уларга

жаннат василаси бўлмадими?!

* * *

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Улардан бири дейди: «Менинг (дунёда) бир яқин танишим бор эди. У (менга): “Ростдан ҳам сен (қайта тирилишимизни) тасдиқ этувчи-ларданмисан? Ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (тирилтирилиб) жазоланувчимизми?” дер эди. (Жаннатдаги сўриларда бирга ўтирган биродарларига:) “Сизлар (ҳам ўша танишимнинг дўзахдаги ҳолини) кўряпсизми?” дейди. Сўнгра ўзи (ҳам ўша таниши томонга) қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач, дейди: “Аллоҳга қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. Агар Раббимнинг неъмати (ҳидояти) бўлмаганида, албатта, мен ҳам (сен билан бирга дўзахга) ҳозир қилинувчилардан бўлур эдим. (Қани энди менга айт-чи) бизлар ўлувчи эмас эканмизми?!” Ўша биринчи ўлимимиздан бошқа-я?! (Сўнг) азобланувчи ҳам эмас эканмизми?! Албатта, мана шу (жаннат неъматлари) улкан ютуқнинг ўзиdir» (Софбот сураси, 51–60-оятлар).

Ибн Касир раҳимахуллоҳ шу оятларни тафсир қила туриб, ажойиб бир ривоятни келтиради. «Икки шерик бирга ишлаб саккиз минг динор топади. Шерикларнинг бири мўмин, иккинчиси коғир эди. Икки дўст шерикликни тугатиб, ўртадаги маблағни тенг иккига, яъни тўрт минг динордан бўлишиб олади. Коғир шерикнинг ҳуна-

ри бўлади, аммо мўминнинг ҳунари бўлмайди...

Кофири шерик ўзининг улусидан минг динорга уй сотиб олади. Мўмин эса жаннатдаги қасрлар умидида минг динорни мискинларга садақа қилиб юборади. Кофири минг динорга уйланади. Мўмин эса жаннатдаги ҳурлар умидида яна минг динорни садақа қилиб юборади.

Кофири яна икки минг динорга боғу бўстонларни сотиб олади. Мўмин эса жаннат боғларидан умидвор бўлган ҳолда қолган икки минг динорни ҳам садақа қилиб юборади. Натижада ҳеч вақосиз қолади».

Бундай тасарруф тасаввурга ёқмасада, шариатимизда қораланади. Мўмин киши ақлини ишлатиб, етти ўлчаб бир кесиши зарур. Ҳадиси шарифда: «*Ҳар бир нарсанинг тиргаги бор. Мўминнинг тиргаги унинг ақлидир. У ақлини ишлатиши миқдорича Раббисига ибодатда бўлади*», дейилган (Ҳайсамий ривояти).

Мен бу гапларим билан дунёни мадҳ этиш, бойликка ружу қўйишини ирода этганим йўқ. Ақлни ишлатмасдан, ҳаётда касодга учраш ўз-ўзидан диннинг мағлуб бўлишига олиб келади.

Имом Муҳаммад ФАЗЗОЛИЙнинг

“Дард ва даво” китобидан

Тошмуҳаммад АБИЛОВ таржимаси



Тошмуҳаммад Абилов 1976 йили Иштихон туманида туғилган. 1992–1996 йилларда “Кўкалдош” ўрта маҳсус ислом билим юртида таҳсил олган ва 1996–1999

йилларда шу мадрасада мударрис бўлган. Кўп йиллар Иштихон туманидаги масжидларда имом-хатиблик қилган. 2022 йилдан буён Иштихон тумани бош имом-хатиби ҳамда тумандаги “Полвон ота” жоме масжиди имоми бўлиб ишлаб келмоқда.

Марҳумнинг vasiyatlarini адо этиши

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Марҳум қолдирган мол дафн харажатлагрига сарфланиб қарзлари ўталгандан сўнг қолганининг учдан биридан васияти адо этилади. Васият барча молга тааллуқли бўлса ҳам, учдан биридан қолган молнинг ортиғи бажарилмайди.

Исломда васиятнинг миқдори қолган молнинг учдан биридан кўп бўлмаслигининг сабаби ворисларга ҳам меросдан насиба қолдиришдир.

Гуноҳ ишларга васият қилиш ҳаром. Ворислар уни бажаришлари мумкин эмас.

Агар майит зиммасидаги закот, ушр, назр, каффаротни ўташни бошқа бировга васият қилган бўлса, қолдирган мулкининг учдан бири айтганларининг ҳаммаси адо этилади.

Марҳум улуш муайян миқдорни, масалан, 10 млн, 30 млн, сўмни бир неча кишиларга васият қилган бўлса, қолган мулкининг учдан бири у миқдордан кам бўлса, васияти айтган миқдорлари нисбатида ўталади.

Ворисларга Қуръон ва суннатга мувофиқ тақсимлаш

Марҳумнинг қарзлари ва васияти адо қилингандан сўнг қолган моли ворисларга тақсимланади. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: “(Ушбу тақсимотлар) Зараар қилмайдиган васиятни ёки қарзни адо этгандан сўнг (қилинади). Булар Аллоҳнинг васиятидир. Ва Аллоҳ билувчи ҳамда ҳалийм Зотdir” (Нисо сураси, 12-оят).

Майитнинг мулкидан юқорида санаб ўтилган ҳақлар ўтаб бўлингач, қолган мероси Қуръони карим, суннат ва умматнинг ижмосида баён қилинганидек меросхўрларга тақсимланади.

Сайджамол МАСАЙТОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво марказининг бош мутахассиси

*Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотуҳ.*

СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: Мен араб ҳарфларини била-ман. Қуръони каримни мустақил ўрган-сам бўладими ёки устоз керакми?

ЖАВОБ: Араб ҳарфларини билиш нинг ўзи Қуръонни мустақил ўқишга кифоя қилмайди. Қуръони карим бирор устозга ўқиб бериш орқали ўрганилади. Устоз ундаги хатоларни айтиб беради.

Имом Суютий: “Қуръонни устоз қўлида ўқишга барча давларда амал қилиб келинади”, деган. Шунинг учун ҳозирги қуни мизда, алҳамдулилах, Қуръон курслари ташкил этилган. Мана шу курсларга бориб, устозлардан қироатни ўрганиш тавсия қилинади.

САВОЛ: Эркак киши араб тилини аёл кишидан ўрганса бўладими?

ЖАВОБ: Бу масалада, аввало, дарс бе-рувчи аёлнинг маҳрам ёки но-маҳрамлигини билиб олишимиз керак. Сабаби, ҳозирги кунда баъзи инсонлар ўз аёли ёки қизидан араб ҳарфларини ўрганиб бўлмайди деб тушунадилар. Бу эса нотўғри бўлиб, агар тил ўргатувчи аёл маҳрами (аёли, қизи, онаси) бўлса, бундай аёллардан бемалол илм ўрганиш жоиз.

Агар муаллима номаҳрам бўлса, зарурат ўринларда (масалан, таълим муасасаларида) эркак билан аёл ёлғиз қол-маслиги шарти билан бир-бирларидан илм олишларига рухсат берилади.

САВОЛ: Никоҳдан кейин қуёвнинг дўстлари қуёвболани табрик-

лашади. Бу ҳақда ҳадисларда нима дейилган?

ЖАВОБ: Ҳа, никоҳдан кейин куёвни муборакбод этиш суннатда келган. Жумладан, Имом Термизийнинг “Сунан”ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан бундай ривоят бор: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтдилар:

بَارَكَ اللَّهُ لَكَ وَبَارَكَ عَلَيْكَ وَجَمِيعَ بَيْنَكُمَا فِي الْخَيْرِ

“(Бу никоҳда) Аллоҳ сизга барака берсин. Сизга барака ёғдирисин ва сизларни ўртангизни яхшиликда жамласин”».

САВОЛ: Одам қўрққандада юраги тушиши бор нарсами?

ЖАВОБ: Динимизда юрак тушиши ёки юракни кўтариш деган нарса йўқ. Бу тиббиётга тааллуқли масала. Бу хусусда мутахассис дўхтирларга мурожаат қилиш керак. Юракка қувват бўладиган маҳсулотлардан истеъмол қилиш лозим.

Аммо беморларга Қуръон оятларини ўқиб дам солиш бор нарса. Бундай беморларни мутахассисларга кўрсатиш билан бир қаторда унга дам солиш ҳам тез орада шифо топишига сабаб бўлади.

САВОЛ: Ислом динида тутқаноқ ҳасталиги ҳақида нима дейилган?

ЖАВОБ: Бу саволга, аввало, тиббий нуқтаи назардан ёндашиб лозим. Аммо Қуръони карим оятлари шифо ва раҳмат экани баён этилган. Шундай

екан, тиббий муолажалар билан бирга Қуръони каримни ихлос билан тиловат қилиш орқали ҳам шифо сўраш тавсия этилади.

САВОЛ: *Агар бир инсон ўзининг ишлаган ҳақини ололмаса, уни ундириш мақсадида ёлғон гапирса, гуноҳ бўладими?*

ЖАВОБ: Икки дўстнинг, эр-хотиннинг орасини ислоҳ қилиш, урушда душманга сир бермаслик каби айrim ҳолатларда ёлғон гапиришга рухсат берилган. Ҳақни ундириш учун ёлғон сўзлаш жоиз эмас. Ҳақни ундириш учун қонуний чораларни қўриш лозим.

САВОЛ: *Ҳадемай пахта териш мавсуми бошланади. Фермер хўжалиги раҳбари пахта даласи бўйида хўroz сўйишишимиз керак деяпти.*

Шундай қислак, ширк бўлиб қолмайдими?

ЖАВОБ: Бирор жонзотни далада сўядими, чўлда сўядими, тоғда сўядими, фақат Аллоҳ учун деб, Аллоҳ таолономи билан сўйиш керак. Бошқага атаб жонлиқ сўйилмайди.

Жонлиқни далага олиб бориб, Аллоҳ йўлида сўйиб, одамларга таом едириб, етим-есирларни йўқлаб, уларнинг дуосини олса, бу ишнинг ёмон томони йўқ. Шояд ўшаларнинг дуолари сабаб ҳосилга барака берилса. Дуога яраша ҳаракат ҳам керак, далага яхши қаров ҳам керак, албатта.

САВОЛ: *Тиш ковагида бугдой катталигига овқат қолдиги қолиб кетса, таҳорат ёки ғуслга зарари борми?*

ЖАВОБ: Таҳоратда оғиз ва бурунни ювиш суннат, ғуслда эса фарз ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, таҳоратда тишлиарнинг орасида бирор нарса қолиб кетишининг зарари йўқ. Агар тишлиар орасида қолган нарса жуда кичкина бўлса, ғуслда ҳам зарар қилмайди. Чунки сув суюқ бўлиб, одатда ҳамма жойга етиб боради. Бироқ эҳтиёти ғуслда тишининг

ораси ва ковакларига кириб қолган нарсани чиқариб ташлаш керак. Чунки ғуслда бирор жойга сув етмай қолса, ғусл мукаммал бўлмай қолади.

“Фатавои ҳиндия” китобида бундай дейилади: «Агар тишлиарнинг ковагида ёки тишлиарнинг орасида бирор таом қолиб кетган бўлса ёхуд бурнининг ичидаги юмшоқ (суюқ) кир бўлса, саҳиҳроқ гапга кўра ғусли тўлиқ бўлади. “Зоҳидия”да ҳам шундай. Бироқ эҳтиёти қолиб кетган нарсани тишининг ковагидан чиқариб ташлаб, у ерга сувни етказиш керак. “Фатхул қодир”да ҳам шундай келган».

САВОЛ: *Пиёзнинг пўстлогини ёқиши мумкин эмас, деб эшишганман. Шу тўғрими? Пиёзнинг пўстлогини ёқиқан одам дўзахда куядими?*

Шу ҳақда динимизда нима дейилган?

ЖАВОБ: Одамнинг дўзахда ёнишига сабаб бўлади, пиёзнинг пўстлоги эмас.

САВОЛ: *Дадам яқинда жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Жарроҳлик амалиётига киришидан олдин назр қилдим, яъни Аллоҳга ваъда қилдим, иншоаллоҳ, жарроҳлик амалиётидан яхши ўтиб, шифо топса, битта мол сўйиб эҳсон қиласман, дедим.*

Назр қилинган жонлиқ сўйилгач, унинг гўштидан есам бўладими?

ЖАВОБ: Кўзлаган мақсади ҳосил бўлса, назрни адо этиш вожиб бўлади.

Қурбонликдан бошқа ниятда, мисол учун, “Фалон ҳожатим раво бўлса, жонлиқ сўйман (дардга даво топилиши, мушкулотларнинг ариши, сафардагиларнинг эсономон қайтиб келиши ва ҳоказо)” деган ниятда жонлиқ сўйиш назр қилинганида сўйилган жонлиқнинг гўштини садақа олишга ҳақли бўлганларга улашиш воҷиб бўлади. Бунда назр соҳиби ва унинг ахли назр қилинган жонлиқнинг гўштидан ейиши ҳалол эмас.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44**

Эртаклардаги ҳақиқатлар

Болалигимизда эртаклардаги ғайритабиий ҳодиса ёки ишлардан ҳайратланганмиз ва уларга ишонганимиз. Ёшимиз улғайгач, уларнинг барини чўпчак, яъни тўқима деб ўйлаганмиз. Аслида ҳам шундайми?

Тадқиқотларга кўра, барча эртаклар ҳам тўқима эмас. Улардаги ҳодисалар ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларнинг ўзгартирилган талқинидир. Бу ҳодисалар вақт ўтиши билан оғиздан оғизга ўтиб, эртагу афсоналарга айланган. Уларда учровчи баъзи ғайриоддий сюжетлар, қаҳрамонлар, тилсимвлар ва буюмлар асосида дин билан боғлиқ воқеликлар мужассам. Фақат улар бадиий тўқимага айланиб, халқ оғзаки ижодида бўй кўрсатган, холос.

Эътибор қаратилса, эртаклардаги қаҳрамоннинг ғайриоддий қобилияти ёки ишлари, бошдан кечирганлари, бошқаларга ўхшамаслиги билан пайғамбарлар ҳаётига ўхшаб кетади. Уни қийин вазиятда қўллаб турувчи ҳомийлари ёки бирор куч берадиган буюми бўлиши ҳам. Халқ эса мана шундай шахслар орқали ўз қаҳрамонларини тасаввур этиб, улар ҳақида ривояту эртаклар тўқишиган. Улар воситасида ўз орзуларини баён қилганлар.

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга пайғамбарлик ва подшоҳликни бериб, унинг пайғамбарлигини исботи учун кўплаб мўъжизаларни ато этган. У кишига бутун ҳайвонларнинг тилини ўргатиб, жинларни, шамолларни хизматларида ҳозирнузориз қилиб қўйган.

Бу ҳақда Куръони каримнинг бир қанча сураларида баён қилинган.

Намл сурасида: «Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоҳликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: “Эй одамлар! Бизга қушлар тили ва бошқа нарсалар билдирилди. Албатта, бу аниқ фазлнинг ўзи”дир. Сулаймон (хизмати) учун жин, инс ва қушлардан иборат лашкарлари тўп-

ланиб, тизилган ҳолларида турдилар» (16-17-оятлар).

Сод сурасида: «Унга шамолни беминнат хизматкор қилиб қўйдик, унинг амри билан у ирова қилган томонга майин эсаверади. Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам. Бошқаларини ҳам кишинланган ҳолда тўплаб (бўйсундирдик)» (36-38-оятлар).

Сабаъ сурасида: «...ва Сулаймонга шамолни (бердик). Унинг (шамолнинг) эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди. Унга мис булоғини оқизиб қўйдик ва жинлардан Раббининг изни илиа унинг ҳузурида ишлайдиганлари бор эди...» (12-оят).

Куръон тафсирларида келишича, Сулаймон алайҳиссаломга жинлар тилла ва ипакдан катта гилам тўқиб берган. Унинг ўртасида тилла тахт устига ўзи, атрофидаги тилла ва кумушдан ясалган курсида одамлар, уларнинг атрофида жинлар ўтирасида осмонда қушлар қаноти билан соя солиб туради, шамол гиламни кўтариб, айтилган жойга элтар экан. Шу билан бирга, шамол эрталабдан тушгача бир ойлик йўлни, тушдан кечқурунгача яна бир ойлик йўлни босиб ўтар, бир кунда икки ойлик йўлни юриб қўяр экан¹.

Демак, эртакларда келганидек, ўзи учар гиламлар бўлмаган. Балки шамоллар ўша гиламни учирраб, Сулаймон алайҳиссаломни хоҳлаган жойига элтган. Худди шундай жинлар ҳам Сулаймон алайҳиссаломга Аллоҳнинг изни билан хизмат қилдириб қўйилган. Улар, худди эртакларда қайд этилганидек, кўплаб ишларга қодир бўлган.

Бундай ўхшашликни ўзбек халқ эртаги “Эрназар билан Кимёназар” ҳамда “Минг бир кеча” эртакларида “Алоуддиннинг сеҳрли чироғи”даги тилсимвларда кўриш мумкин. Эрназарнинг тилсими пичоқдаги Кимёназар номли ёрдамчи бўлса, Алоуддиннинг кўмакчиси чироқдаги дев. Иккига

сининг ҳам сўзи: “Хизматингизга тайёрман”. Исталган жойга кўз очиб юмгунча етказиш, қирқ қулоқли қозонни олиб келиш, бир зумда улкан саройлар тиклаш ва шу каби кенг тарқалган сюжетлар Сулаймоннинг хизматига шай турган жинларни эслатади.

Яна бир ўхшашилик Исо алайҳиссалом билан боғлиқ. Аллоҳ таоло унга осмондан моида (дастурхон) туширади. Бу воқеа Куръони каримнинг Мойда сураси 112-115-оятларида баён этилади: «Ҳаворийлар: “Эй Исо ибн Марям! Раббинг бизга осмондан бир дастурхон нозил қила оладими?” деганларида, (Исо): “Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан қўрқингиз!” деганини (ҳам) эсланг! Улар дедилар: “Биз ундан (зиёфатдан) еб, кўнглимиз хотиржам бўлишини ва сенинг ростгўйлигингни билиб, (сўнгра) унга (дастурхонга) гувоҳлик беришни истаймиз”. Исо ибн Марям деди: “Эй Раббимиз – Аллоҳ! Бизга осмондан (бир) дастурхон туширгинки, у аввалу охиримиз учун байрам ҳамда Сендан (бизга) мўъжиза бўлсин. Бизни (ундан) ризқлантири! Сен ризқлантирувчиларнинг яхшиси дирсан”. Аллоҳ деди: “Мен уни сизларга туширувчиман. (Лекин) кимки (шундан) кейин (ҳам) куфрга кетса, уни шу қадар азоблайманки, бутун оламда ҳеч кимни ундай азобламаган бўлурман».

Исо алайҳиссаломнинг дуоси қабул бўлди ва мўъжиза содир бўлиб, осмондан егулик тўла дастурхон тушди. Бу ҳодисага гувоҳ бўлган инсонлар орзусидаги тўкин дастурхонга эга бўлишган. Бу воқеа “Ур, тўқмоқ” эртагидаги “очил дастурхон”ни ёдга солиши тайин. Демак, очил дастурхон бадиий тўқима сифатида бугунгача яшаб келмоқда.

Бундай ўхшашикларни эртакларда яна кўплаб учратиш мумкин.

Жамила АСҚАРОВА,
тадқиқотчи

¹ Куръони карим маънолари таржимаси.
(Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин
Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. Б. 296.



Тиконли йўлда қалқонимиз

“Тақво” эҳтиёт бўлиш, қўрқиш, гуноҳ ишлардан сақланиш маъноларини англатади. Тақво инсоннинг ички оламида, қалбида ўрнашган ноёб хислат, инсонни доимо яхшилик қилишга, эзгулик йўлидан боришга чорлаб туради ва барча ёмонликлардан қайтаради.

Тақвони уламолар турлича таърифлашган. Ҳазрат Умар : “Тақво бу – тиканли йўлда оёғингга бирор тикан киргизмай ўтиб боришингdir”, деб тушунтирган. Бир сўз билан айтилса, тақво Аллоҳ қўриб турганини билиб, ёмонликлардан сақланиш демакдир.

Тақвонинг хусусияти шунда, у инсонни ўзи устидан назоратчи қилиб қўяди. Тақвоси бор инсон ҳеч ким кўрмай турганида ҳам, кимсасиз жойда ҳам гуноҳ қилмайди, ёмонликдан ўзини тияди.

Аъзолари ушбу хислат йўлида ҳамкорлик қилган жамият равнақ топаверади.

Зухриддин АҲАДОВ

Тавҳид калимаси таҳлили

Ислом таълимотининг асосий мазмун-моҳиятини ифодаловчи “Лаа илааҳа иллаллоҳ” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”) калимаси диний адабиётларда “тавҳид” калимаси номи билан зикр этилган. Мазкур калима шарҳига бағишланган кўплаб адабиётлар бор.

Махмуд Замахшарий ҳам шаҳодат калимасига бағишланган мўъжаз “Ал-масъала фи қалиматиша шаҳада” асарини ёзган. Унинг ягона қўлёзмаси Берлин шаҳридаги қўлёзмалар фондида сақланади. Асар кисқа ҳажмли рисола бўлиб, унда олим Ислом динининг таянч тушунчаларидан ҳисобланган “Лаа илааҳа иллаллоҳ” жумласини грамматик таҳлил қиласиди. Дастреб Замахшарий олдинги уламоларнинг бу жумла борасидаги фикрларини баён қиласиди. Уларнинг фикрича “Лаа илааҳа иллаллоҳ” жумласи тўлиқ маъно ифодаламаган. Замахшарий эса бу калимани тугал маънога эга мустақил жумла деб шарҳлади.

Мазкур калиманинг икки ҳолатда бўлиши таъкидланади. Биринчиси, асл мустақил жумла ҳолати, иккинчиси, жумлани шарҳлаб ва таъкидлаб келувчи қўшимчали ҳолат. Бу ҳолатларга Замахшарий араб тилидаги “Ма жаа фи рожулин” – “Номаълум киши келмади” жумласини мисол келтиради.

Агар бу жумла маъносидаги ноаниқликни кетказиш истаги бўлса, унга “Ма жаани мин рожулин бал рожулани” (“Менинг олдимга бир киши эмас, балки икки киши келди”) мазмунидаги қўшимча қилиш зарур бўлади.

Олим бу фикрига Қуръони каримдан: “(Эй Мұхаммад,) Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар” – (Оли Имрон сураси, 159-оят); «Сўнгра аҳду паймонларини бузганлари, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганлари ва “Дилларимиз қулф” деганлари сабабли (Биз уларни лаънатладик)» (Нисо сураси, 154-оят) оятларини мисол қилиб келтиради. Оятлардаги сабаблар “фабираҳматин” (“юмшоқ сўзли бўлиш”), “фабинақдиҳим” (“лаънат бўлиши”) маъноларини ифодалайди.

Муаллиф ҳар иккала оятдаги “фа” юкламасидан сўнг “ма” юкламасининг келиши туфайли юмшоқлик Аллоҳнинг марҳамати билан, лаънат эса, қилинган аҳднинг бузилиши натижасида бўлганини таъкидлайди. Шу каби, шаҳодат калимасидаги синтактик қўшимча жумладаги маънони таъкидлаб келади.

Замахшарий бу грамматик ҳолатни “Жаани Зайду” гапи асосида тушунтиради. Гап “Зайд келди” маъносини ифодалайди. Лекин мазмун-моҳиятда “Зайддан ўзга кимса келмагани” қатъий тушунилмайди. “Зайддан ўзга келмагани”ни таъкидлаш маъносида юкори ҳолатдаги шакл қўлланилиши керак бўлади. Шу мақсадда гапни “Ма жаани илла Зайду” тарзida тузиш маънони тўлиқ англатади.

Шаҳодат калимасидаги “Лаа илааҳа” жумласи “Зайд мунталиқун” (“Зайд кетди”) жумласи билан грамматик жихатдан тенг ҳисобланади. Муаллиф “Лаа илааҳа” жумласига “иллаллоҳ”ни қўшиш билан биринчидан, улухиятни Аллоҳ таолога нисбат бериш, иккинчидан, уни бошқа барча нарсалардан ажратиш маъносини кўрсатади. Шунга кўра “Лаа илааҳа” жумласи исмий гапнинг кесими бўлиб, “иллаллоҳ” гапнинг эгаси вазифасини бажаради. Чунки араб тилида гап тузиш қойдаларига кўра исмий гапнинг эгаси доим аниқ, кесими эса, ноаниқ ҳолда бўлиши талаб этилади.

Рисолада “Лаа илааҳа иллаллоҳ” дейилиши “барча илоҳ деб номланганларнинг сифати бекор қилиниб, илоҳлик фақат Аллоҳга хос” лигини билдириши айтилади. Буни таъкидлаш учун Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорийдан ривоят қилинган ҳадис келтирилади: «Уҳуд куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва саллам: “Лаа сайфа илла Зулфиқор ва лаа фатан илла Али”» (“Зулфиқор қиличидан бошқа қилич ва Алидан бошқа йигит йўқдир”), **дедилар**. Яъни, шаҳодат калимаси юкоридаги ҳадис матни билан қиёсланса, кесимнинг эгадан олдин келиши мумкинлиги исботланади ва жумла мазмuni равшан бўлади.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
проректори, филология фанлари
доктори, профессор



ИСЛОМ УММАТИ 2 МИЛЛИАРДДАН КЎП

Global Muslim population

2,006,747,694

Sunday, April 2, 2023

Хозир бутун дунё аҳолисининг 25 фоиздан ортиги мусулмонлардир.

Ислом дунёдаги энг кўп эътиқод қилинадиган иккинчи дин хисобланади.

Хисоб-китобларга кўра, дунё бўйлаб мусулмонлар 2,006,931,770 кишини ташкил қилмоқда. Мусулмонларнинг қўпайиш суръати аввалгидан икки баравар ошган.

ХАЛҚАРО МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Ислом олами уюшмаси Макка шаҳрида Куръони карим халқаро музейини барпо этди.



Унда халқаро анжуманлар ўтказиш ва Куръоннинг нафис нусхаларини намойиш этиш ҳам режаланганди.

“Arab News” хабарига кўра, Ислом олами уюшмаси Буш котиби Мухаммад бин Абдулкарим Исонинг айтишича, мазкур лойиха Куръон ва суннатни тарғиб қилиш мақсадида бошланганди. Ушбу музей Куръони карим мўъжизаларини илмий далиллар билан ёритиб боради.

МУСУЛМОН ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Жорий йилнинг 16–23 август кунлари Татаристон Республикаси мусулмонлари диний идораси биносида XVI Бутунrossия мусулмон ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Унда Индонезия, Миср, Лондон, Крим Республикаси, Бошқирдистон, Қабардин-Балқар (Налчик), Чувашия ва Татаристон,

шунингдек, Перм ўлкаси, Москва, Астрахан, Владикавказ, Свердловск вилояти, Ижевск,



Йошкар-Ола, Самара ва Ханти-Мансийскдан келган 18–30 ёшли навқирон авлод вакиллари иштирок этди.

Мусулмон ёшлар форуми натижаларига кўра, энг яхши лойиҳалар танлаб олинди.

ХУРМО КЎЧАТЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Бурайда хурмолари фестивали маҳаллий фермер ва савдогарларнинг 11 миллиондан ортиқ хурмо кўчатини бозорга чиқариш арафасида бўлиб ўтди.



Саудия Арабистони атроф-муҳит, сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қассим вилояти бошқармаси ташкил этган ушбу фестивал 25 августга қадар давом этди.

Фестивалда 4000 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари тақдим этилди.

Фестивал орқали минтақада машхур 45 дан ортиқ хурмо тури тарғиб этилди.

*Интернет маълумотлари асосида
НУРМУҲАММАД тайёрлади.*

Бугунги кунда террорчилик, экстремизм, радикализм бутун дунёга хавф солаётган, инсониятнинг тинч ва осуда яшashi учун тўсқинлик қилаётган жиддий муаммолардан биридир. Кўпорувчиликни касб қилиб олган бундай разил кимсалар тинчлик ва омонлик дини бўлган Исломни никоб қилиб олгани гайридинлар ўртасида исломофобиянинг урчишига сабаб бўляпти.

ҚайсаRLИКНИНГ ОҚИБАТИ - ҲАЛОКАТ



Ана шундай ёвуз кучлар ва бузғунчи фирмалардан бири 1953 йили Яқин Шарқда асос солинган “Хизбут таҳрир” оқими бўлиб, унинг тарафдорлари ҳар қандай бошқача фикрлашни инкор этади, ўзининг мафкуравий ва диний қарашларини кўпол равишда мажбуrlаб қабул эттиришга ҳаракат қиласди. Улар ўз тарафдорларидан уларнинг ҳар бир буйруқларини сўзсиз бажаришни, уларга кўр-кўrona ишонишни талаб этадилар.

Бу оқим аъзолари Ислом дини ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган кишилар, хусусан, ёшлар онгига халифаликни тиклаш ғоясини сингдириб, уларни ушалмас орзумидлар йўлида ўз моллари, кучкуватлари, ҳатто жонларини ҳам курбон қилишга тарғиб этадилар ва буни “шахидлик” деб баҳолайдилар.

Ваҳоланки, халифалик ўттиз йил давом этишини Пайғамбаримиз башорат қилиб, бундай деганлар: “Халифалик мендан сўнг ўттиз йилdir, кейин подиоҳлик бўлади”¹.

Яқин Шарқда пайдо бўлганига етмиш йилдан ошган бўлса-да, ҳеч ким қабул қилмаган бу оқимни айrim илмсиз кишилар, Ислом динининг ҳақиқатидан бехабар айrim ёшлар қабул қилгани, оқибатда минг пушаймон бўлгани айни ҳақиқатидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда

барча мусулмонларни жуда зарур иш – иттифоқликка, ҳамжиҳатликка буюриб, бундай марҳамат қиласди: «Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни (Қуръонини) маҳкам туting ва фирмаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда туting...»² (*Оли Имрон сураси, 103-оят*).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бизни, аввало, Қуръон кўрсатмасига амал қиласлан ҳолда бирликда, ҳамжиҳатликда яшашимизга, иккинчидан, фирмаларга бўлинмасликка буюради. Оятдаги “бўлинманглар” деган буйруқни Ислом номини никоб қилиб олган бирорта гуруҳ ёки оқимга кирманглар, аралашманглар, ақидангизга содик қолинг, деб тушунишимиз керак³.

“Хизбут таҳrir” оқими аъзолари мусулмонларнинг ораларини бузиб, ўзларича: “Биз алоҳида ҳизбмиз, алоҳида бир гуруҳмиз”, дейдилар. Уларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг “фирқага бўлинманглар”, деган буйруғига қарши чиқиш орқали Ислом таълимотига тескари иш тутадилар.

“Хизбут таҳrir” тарафдорлари йўллари тўғри эканини исботлаш мақсадида Оли Имрон сурасининг 104-оятини бузиб талқин қиласдилар. Оятдаги “Сизлардан бир уммат бўлсин...” буйруғининг маъносини ўзгартириб, “Аллоҳ таоло сизлардан ҳизб бўлсин” демоқда, дейишади.

Муфассирларимиз оятдаги “уммат”дан мурод уламолар жамоаси эканини таъкидлашган⁴. “Имом” деган сўз “уммат” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, унинг вазифаси ўз қавмини Қуръон таълимотига чақириш, яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтаришдир.

Хизбчилар ўзларича “Хизбут таҳrir” бир жамоатdir, у Такийюддин Набахонийнинг ижтиҳодидир. Унга хоҳлаган одам кириши мумкин, деб даъво

қиладилар. Лекин ҳизб аъзоларидан бирортаси адашганини тушуниб қолиб, ҳизбдан чиқса, ахдини, қасамёдини бузгани учун маломатга қолади, дейдилар. Ваҳоланки, адашганини Ислом таълимоти асосида англаб етган кишининг ҳақиқатни топиб, нотўғри йўлдан қайтиши катта саодатdir.

Хулоса сифатида машойихларимизнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: “Кишилар тўрт хил бўлади: 1) ҳамма нарсани билади ва билишини ўзи ҳам билади. У киши олимдир, унга эргашиб зарур; 2) билади, лекин билишини ўзи билмайди. У гўё уйқуда, уни уйғотиш керак; 3) ҳеч нарсани билмайди ва билмаслигини ўзи ҳам билади. У жоҳилдир, унга ўргатиш лозим; 4) ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарсани билмаслигини ўзи ҳам билмайди. У аҳмоқдир, ундан узоқ бўлиш керак”.

“Ҳизбут таҳхир” машойихларимиз айтган тўртинчи тоифанинг айнан ўзгинасидир. Уларни тўғри йўлга солиш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, барибир ўз билгандаридан қолмайди. Уларнинг бу қайсарликлари Исо алайҳисса-ломнинг машҳур гапини эсга солади: “Мен Аллоҳнинг изни билан қанчадан-қанча bemорларни даволадим, кўрларнинг кўзини очдим, ўликларни тирилтиридим. Аммо аҳмокларни йўлга сола олмадим” (“Тарихи Кабир”).

Фолиб НУРИДДИНОВ

¹ Саҳиҳи Ибн Ҳиббон. 7069-ҳадис.

² Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: “Ўқитувчи” нашриётматбаа ижодий уйи, 2020 йил. – Б. 63.

³ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: “Ҳилол нашр” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007 йил.

⁴ Имом Мотуридий. Таъвилоту ахлис сунна. (Мактабатуш шомила).



Тун ярмида Жалолиддин Румий ҳазратнинг эшиги тақијлабди. У зотнинг хизматини қилаётган толиби илм бориб эшикни очса, бир сархуш.

– Мен Мавлоно ҳазратларини кўриб, дуосини олиш учун келдим.

Толиби илмлар уни ҳайдай бошлабди:

– Сархуш ҳолда бу ерга келишга уялмадингми, кет!

– Асло, у зотнинг дуосини олмай кетмайман, – деб қатъий туриб олибди сархуш.

Гала-ғовурдан Жалолиддин Румий ҳазратлари уйғонибди:

– Нима шовқин? – сўрабди талабаларидан.

Талабалар вазиятни англатишгач, у зот дебди:

– У сархуш бўлгани ҳолда шу пайтда бизни топиб келибди. Сиз эса тийрак бўла туриб уни киритмаяпсизми? Балки нияти самимийдир, нега ҳайдаяпсизлар? Биздан талаб қилганни, ихлос қилиб келганни ҳайдашга ҳаққимиз йўқ. Оловдан қочган одамга, оловнинг ёнига қайт, дейишимиз жоизми? Қўйинг, ёнимга келсин!

У зотнинг сўзларини тинглаган сархушнинг кўзига ёш келибди:

– Ҳазратим, мендек бир адабсизни деб толиби илмларингизни койидингиз. Бунга асло рози эмасман. Изн беринг, ёнингизда қолиб ҳам сизга, ҳам толибларингизга хизмат қиласай!

Мавлоно мамнуният билан унинг кўзларидағи ёшларни артиб, бундай дебди:

– Сафимизга хуш келдинг, йигит. Кимнинг қай пайт нимага эришишини ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло Пайғабаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Мени сўраганга хизматчи бўл”, дея амр қилган. Шу сабабли талаб қилиб келганинг ҳолига, вақтига қаралмайди. Сен бизни Аллоҳ учун қидириб келибсан. Сенинг асл талабинг биз эмас, бизнинг василамизда Аллоҳ севгисига эришиш. Бунга қаршилик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу важдан уларни койидим.

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Кўзга ярашади севинч ёшлиари...

Абдугани СУЛАЙМОН

ОЛОВ

Эй дўст, алангада ёнар жонимиз,
Мухаббат туйғуси бўлганда меҳмон.
Ишқнинг шуъласида жўшиб қонимиз,
Ҳаёт йўлларини айлади равон.

Ёниб яшамоқлик қўёшдан мерос,
Ҳар кундан излаймиз янги бир маъно.
Эзгу ҳароратдир қалбларга либос,
Шавқда чалган создан чиқар зўр садо.

Куямиз гоҳида парвонасимон,
Хиёнат олови дилни ёқсан чоғ,
Балки яқин дўстми, ғанимдан нишон,
Кўнгилнинг ичида қолиб кетган доғ.

Гоҳ ғазаб олови куйдирап жонни,
Гоҳ ҳижрон, гоҳида илоҳий талъят.
Ҳар не бўлса бўлсин, асраб иймонни,
Ҳасад оловида ёнмагин фақат.

СУВ

Эй дўст, дарё каби умримиз ўтар,
Зотан, руҳимизда дарё нафаси.
Билмаймиз соҳилда бизни не кутар,
Юракка тор келиб кўкрак қафаси?!

Аслида бир томчи сувдан жисмимиз,
Шунданми, бир сўздан кетамиз эриб.
Ҳаёт суви ичра бедор исмимиз –
Нилуфар – ғамларни юради териб.

Баъзан кўз ёшимиз бўлиб шашқатор,
Кимнидир кузатиб сўнгги манзилга.
Қисмат ёмғирига бериб ихтиёр
Бир томчи сув бўлиб қайтамиз дилга.

Лойимиз қорилган ул илоҳий сув,
Билмаймиз олинган қайси дарёдан.
Бир кун руҳимизда кўтариб ғулув –
Сувлар ювиб кетар бизни дунёдан.

Эй дўст, йигламагин ҳуда-бехуда,
Гарчи бошга тегар ҳаёт тошлари.
Шодликни севади тириклик жуда
Кўзга ярашади севинч ёшлари.

ҲАВО

Эй дўст, фалаклардан бир нафас келур,
Ризқу насибанг бут шу нафас билан.
Мовий ҳаволарда қалқиб турса нур,
Ҳаёт ишқини куч зўр ҳавас билан.

Дерлар, ғаниматдир ҳар лаҳза онинг,
Жонингни эркалаб турганда насим.

Токи уйғоқ экан томирда қонинг,
Ёниб яшамоқقا этасан жазм.

Оҳ тортсанг, оҳингдан гул ҳиди келсин,
Ҳар нафас Раббимдан сенга иноят,
Кўнглинг тирикликнинг рангларин севсин,
Ҳар отган тонг учун қилгин ибодат.

Бахтиёр шамоллар қўйнида хушнуд,
Дараҳтлар бош эгиг айтар шукрана.
Ибрат ол улардан, ғамларни унут,
Тилда бўлсин шукр деган тарона.

Ҳар янги кун асли Ҳақдан хабардир,
Руҳимизни тинмай тортади осмон.
Гарчи вужудингда ҳаво сарвардир,
Аммо ҳаволаниб кетма ҳеч қачон.

Тошкент

ДАРДИМ

Юракларим зирқираб оғрир,
Суякларим тирқираб оғрир.
Муҳтоҷдирман бир тоза ишққа,
Кўнглим фақат ишқсираб оғрир.

Нега баҳор, куз деб оғринмам,
Манглайимда туз деб оғринмам.
Ўғилдир ё қиз деб оғринмам,
Кўнглим фақат ишқсираб оғрир.

Ҳиссиз қўшиқ наво истамам,
Ҳеч кимга ҳам даъво истамам.
Бу дардимга шифо истамам,
Кўнглим фақат ишқсираб оғрир.

Жаҳонгир НАМОЗОВ,
Поп тумани

КУЙДИРАР

Қуёш жаҳл отига минди,
Ташна лаблар сув деб ютинди.
Карадиму кўзларим тинди.
Тупроқ товонимни куйдирав.

Боқсам офтобнинг бу ҳолига,
Ўхшар дунёning заволига...
Не дейман маҳшар саволига?
Шул ошиқ жонимни куйдирав.

Сайд Вали фикр қилгин сен,
Аллоҳни кўп зикр қилгин сен,
Кўрганингга шукр қилгин сен,
Йўқса, иймонингни куйдирав!..

Сайд Вали ТОЖИБОЕВ,
Зомин тумани

СИЛАИ РАХМ

Эрта етим қолдик ота-онадан,
Хайҳотдек ҳовлида қолғандик бўзлаб.
Меросга чанг солди яқинларимиз,
Иккита етимнинг ҳақини кўзлаб...

“Мехрибонлик уйи” кутарди бизни,
Мерос улар ичра бўлинди, афсус.
“Тия олмадингиз ҳеч нафсингизни,
Нетайки, барингиз қариндошимиз”.

Мана, ўтиб кетди йиллар кетма-кет,
Бизлар ҳам улғайиб камолга етдик.
Биримиз шифокор, биримиз олим,
Тақдир сўқмоғидан мардона ўтдик.

Аҳволини айтсан қариндошларнинг,
Биздан олганлари насиб қилмади.
Бирини қийнайди оғир хасталик,
Бирига Яратган фарзанд бермади.

Келгин, унутайлик барини укам,
Бошимизга нелар солган бўлсалар.
Барчаси бизларга берилган синов,
Кулиб қарши олгин, кириб келсалар.

Улар душман эмас, жигарларимиз,
Бири тогамиздир, амма, холамиз.
Бугун кечирмасак уларнинг айбин,
Жаннатда қандайин бирга бўламиш?

Узилмасин дейман силаи раҳм,
Ота-онамизнинг руҳи бўлсин шод.
Умматимиз ахир Расулуллоҳнинг,
Хатто Ваҳшийни ҳам кечирган у зот.

Шуҳрат ШУКУР

ЙЎҚДИР ХАБАРИМ

Йўқдир хабарим ҳаргиз ўзимдин,
Беҳаё, бешаън қаро юзимдин.
Бехуда ифтор, ёлғон сўзимдин,
Пардаси йиртиқ басир кўзимдин.
Ҳалкумдин ўтган ҳаром тузимдин.

Кўнгилда сафо, юзда табассум,
Май нўш этармен бетиним бир зум.
– Ишратда лаззат, кўзларингни юм,
Эй, сен фаришта, бокира, маъсум,
Шабистонинг не, жаннат ва ё гум?

Эрта тонг маҳал не бир манзара,
Ўнгдан, сўлданми номамиз, жўра?!
Муродинг қаён: ризвон ё ўра?
Аё жонсупор, йиқил ва сўра,
Юзлан умидвор, йиғлаб ҳазора...

Шерали ИКРОМОВ,
Бухоро

ДУНЁ ТОПГАНИНГДА...

Болам, ҳеч сиқилма ўткинчи дунё¹
Барчадан қолади, сабр эт, қил дуо...
Феълингни кенг айла, ўкситма дилинг
Ношоиста сўздан сақлагин тилинг.
Дунё топганингда топмайсан бизни.

Дунё бевафодир, сўзим ғанимат,
Йўлларингга музтар кўзим ғанимат.
Ғаюрлар фитнаси чин эмас зинҳор,
Оға-ининг асра, ғанимат дийдор
Дунё топганингда топмайсан бизни.

Акажоним, дея жонин берувчи,
Яратган Аллоҳдан баҳтинг сўргувчи
Сингиллардан меҳринг аяма сира,
Бўҳтонлар дилингни қилмасин хира...
Дунё топганингда топмайсан бизни.

Кейинги пушаймон алами ёмон,
Юракни ўртайди, қўймайди омон.
Зийрак бўл, бир куни чекмагил алам
Ўзингни асррагил, асра, жон болам!
Дунё топганингда топмайсан бизни...

Турдигул УМАРОВА, Тайлөқ тумани

Мен “Хидоят” журналинг 7-сонидаги Ислом Йўлчиевнинг “Туҳматнинг охриивой” мақоласини ўқиб, жуда таъсирландим ва бундан 9-10 йил аввалиги воқеа эсимга тушди... Ўшандада мен ҳам баъзи машмашаларга гувоҳ бўлиб, қуидаги шеърни ёзган эдим:

ТУҲМАТЧИГА

Бўлар-бўлмас гап тарқатиб ҳаммага,
Тинч рўзгорга солар ғавғо тухматчи.
Ҳар қадамда ёмон сўзни ахтариб,
Эл оромин бузар бежо тухматчи.

Қаён борса, иғво сўзин дўндирап,
Лақмаларни ёлғонига кўндирап,
Гул баргига туюқушни қўндирап,
Тўғри сўздан қўрқар ҳамон тухматчи.

Ёлғон сўз айтишига уялмайди ҳеч,
Иғволарин йиғар тинмай эрта-кеч.
Эй инсоғисиз, тирноқдан кир қидирма,
Бўйнингдаги лаънат сиртмоғини еч.

Ишонманглар тухматчининг сўзига,
Қинғирликда дўст ахтарар ўзига,
Тикка боқинг унинг айёр кўзига,
Яккаланиб, бўлсин ҳазон тухматчи.

Тўхтахон РАҲИМОВА,
Намангандумани, Шўрқўрғон қишилоги

Маърифат аҳлига кўнгил

Сир эмас, сўнгги йилларда юртимизда диний соҳада улкан ислоҳот тарф бўйи кўргани “Ислам маърифат” тарғиботи баҳонасида ота-боболаримиз эътиқод қилис келган аҳли сунна вал жамоага зид, устозлар, ҳатто ота-она ҳурматини оёқости қилувчи, пировардида инсонни манқуртга айлантирувчи, “валийларнинг, олимларнинг ҳурмати ва обрўсига дахл қилувчи, нафсига қул” тоифалар кўпайди. Таассуфки, қалби покиза, соф, беғубор, содда инсонлар, айниқса, ёшлар уларнинг домига илинди, кўплаб ота-оналар адашган фарзандлари доғида зор йиглаб қолди...

Суюндиқ Мустафо ва Муҳиддин Аблаевнинг “Туронзамин азиз-авлиёлари ва уламолари тазкираси” номли туркум китобларини варақлар эканман, улар юқорида айтилган илмсизлик, муаммо ва чигалликларни бартараф этишига ҳисса қўшадиган улкан меҳнат маҳсули бўлиб, диёримиз тупроғига дағн этилган азиз сиймоларнинг илм-маърифатидан, баракотидан боҳабар этувчи йирик тадқиқот сифатида аҳамиятлидир.

Китоб чуқур илм, тадқиқ, таҳлиллар эвазига дунё юзини кўрди. Биринчи жилди (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларига бағишлиланган) 2015 йилда, иккинчи жилди (Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари) 2017 йилда ва учинчи жилди (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) 2023 йилда нашр этилди.

Тазкирада эътироф этилган ҳар бир олим ё авлиё ҳақида, аввало, тарихий ҳужжатлар, мўътабар қўллэзма манбалар асосида маълумот берилади. Мавзуга доир яқин


йилларда эълон қилинган китоблар, ҳатто мақолалар ҳам муаллифлар нигоҳидан чётда қўлмайди. Тўғлиғини маълумотлар тадрижий, тизимли тарзда, энг муҳими, ўзига хос содда илмий услубда баён этилади. Бу усул келажакда ана шу йўналишда тадқиқот олиб бормоқчи бўлган ёш олимлар учун мезон бўлиб хизмат қиласи, иншоаллоҳ.

Шу ўринда китобнинг ўзига хос яна бир жиҳатини айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, ҳозирги кўплаб ўқувчилар тарихий фактлар, илмий маълумотлардан иборат матнни охиригача ўқишига ҳамиша кўникум ҳосил қила олмайдилар. Шуни инобатга олиб, муаллифлар мазкур тазкирада ҳаётни ҳақида маълумот берилаётган олим ё валий зотларнинг асарларидан парчалар, ҳикматли сўзларидан намуналар, ҳаётларида содир бўлган воқеалар (маноқиблар)дан келтиради.

Биринчи жилддаги яна бир муҳим ўринни алоҳида таъкидлаш лозим: маълумки, илм-маърифати, ибратли ҳаёт тарзи билан инсонлар қалбидан чуқур жой олган азиз сиймоларга ҳамма “эгалик” қилмоқ



ҚУВОНЧИ



истайди, “ул зотнинг қабри бизда” дея баҳс-мунозарага киришади. Масалан, ҳазрат Али розияллоҳу анху ана шундай табаррук зотлардан. Тарихий манбаларда бу зотнинг юртимизга келганлари ҳақида аниқ далил йўқ. Бироқ бир неча музофотларимизда у зотга нисбат берилган зиёратгоҳлар мавжуд.

Хўш, ҳазрат Али розияллоҳу анхунинг ҳақиқий қабрлари қаерда?

Суюндиқ Мустафо ва Муҳиддин Аблаев бу мунозарага яна бир азиз зот – Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг қуидаги сатрлари билан чиройли жавоб беради:

*Гўянд қабри Али дар Нажаф аст,
Биё бу бин дар Балх чи байту шараф аст.
Жомий на Адан гўй, на байнал жабалайин
Хуршеди якию нури ў ҳар тараф аст.*

Мазмуни: “Алининг (к.в.) қабрини Нажафда деб айтадилар. Кўриб ишонч ҳосил этки, у Балхда ҳам беқиёс шарафланади. Эй Жомий, сен унинг қабрини Адандан ёки уч тоғ орасида деб ҳукмламаки, У қуёш, қуёшнинг нури эса ҳамма жойга баравар тушади”.

Китоб муаллифлари бир ўринда ёзади: “Бундай азизларга нисбатланган манзилу маконлар бу диёрларда мўлкүл. Зиёратчилар уларни мана шу насиҳатлардан умидланиб зиёрат этади ва руҳоний манфаат кутади. Шу йўл билан дил таҳоратини қилган бўлади, кўнгли

хузурланади. Файзу шукуҳ топади...”

Фариуддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” китобида “авлиёлар ҳакими” деб улуғлаган, Сурхон воҳасида “Ҳаким Термизий”, “Термиз ота”, “Термиз бобо”, “Ал-Ҳаким ат-Термизий” нисбалари билан азизланган Ҳаким Термизий ҳақидаги назарий маълумотлардан сўнг бу зотнинг ҳикматларидан намуналар тақдим этилади:

* * *

Озод киши улдирки, тамаъ уни қул қилмас (Яъни у тамаъни қул этгувчи бўлур).

* * *

Ҳар кимки бирор нарсадан қўрқса, ундан қочгай.

* * *

Мўмин кишининг шодлиги юзида, қайғуси ичидадир. Мунофиқнинг қайғуси юзида, шодлиги ичидадир.

* * *

Дунёда яхшиликдан кўра оғир юк йўқ. Чунки сенга яхшилик қилган киши сени боғлаб қўйган бўлади, ёмонлик қилса, сени ўз ҳолингга эркин қўйган бўлади.

* * *

Бир мусулмон кишини камситганимда, аниқ, ўз маърифатимда ва иймонимда бир нуқсон топаман.

* * *

Авалиё доимо ўз ҳолини яширади, аммо ҳамма нарса унинг валийлигини ошкор этади. Муддаий – даъвогар эса ўзини валий деб ошкор этади, аммо ҳамма нарса унинг ёлғончи, сохта эканлигини фош этади.

Бу ҳикматлар ҳозирги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган олтин ўғитлардир.

“Туронзамин азиз авлиёлари ва уламолари тазкираси”ни мутолаа қилиш маърифатимизни оширади, руҳимизни озиқлантириди, дилимизни, йўлимизни, уйимизни ва ўйимизни янада пок, нурафшон этади.

Абдумурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди

Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Расулуллоҳ асирлар ичидағи камбағаллардан фидя мол олмайин, аларни озод қылдилар. Шулар ичидә Қурайш шоирларидан Абу Изза деган бир киши бор эди. Бу бўлса, ҳижратдин илгари Маккада Расулуллоҳга кўп озорлар етказган эди. Бадр урушида банди бўлиб, бу ҳам кўлга тушди. Расулуллоҳнинг олдиларига келиб:

– Эй Мұхаммад, яхши билурсан, болачақаларим кўп, фақир кишидурман, камбағаллигимга бағишлаб, мендин мол олмай, озод қилишингни сўрайман, – деди. Анда Расулуллоҳнинг унга раҳмлари келди. Қилган гуноҳларидан ўтиб, уни бир пул чиқимсиз озод қылдилар.

– Лекин шу шарт биланким, бизни ёмонлаб халқ ичидә шеърлар айтмагайсан, бизларга қарши сўқиš учун чиққан қўшинга қўшилиб келмагайсан, – дедилар. Ул ҳам бу шартларни тил учидаги қабул қилган бўлиб, бошини күтқазиб кетди.

Маккага борганида “Мұхаммаддин қандоқ кутулиб келдинг?” деб сўрагувчи кишиларга:

“Уни тилим билан сеҳрлаб, алдаб келдим”, деб мақтанур эди. Шунинг учун қилган аҳдларини бузиб, мусулмонлар ҳақида бурунгидан ҳам бузуқроқ шеърлар айтгани турди. Шу билан ҳам тўхтамай, Ухуд урушида қатнашган Қурайш аскарларига қўшилиб, яна келди. Лекин бу келишида уни ажал ҳайдаб келган эди. Кўлга тушгандин сўнгра ўзига лойиқ жазосини бердилар.

Расулуллоҳ қирқ ёшга тўлганларида пайғамбарлик ваҳий келган эди. Ўттиз пора Қуръон йигирма уч йилда Тангри таоло томонидан тушиб тамом бўлди. Шу муддат ичидә етмиш тўрт қатим ғазот қылдилар. Шу ғазотларнинг йигирма еттитасида ўзлари бош бўлиб чиқдилар. Қолганларида

бўлса, аскарбоши буюрдилар. Барча қилган ғазотлари Аллоҳ амри билан Худо йўлида қилинмиш эди. Шунинг учун барча қилган ғазотлари энг улуғ даражаликдур. Айниқса, Бадр ғазоти агар руҳоний-диний тарафдин боқилур эрса, олий шон-шарафга эгадур. Бу кутлуғ ғазот ҳақида Аллоҳ таоло Қуръонда шу оятни индириди:

وَلَقَدْ نَصَرْكُمُ اللَّهُ بِيَدِكُمْ وَأَنْتُمْ أَذْلَّةٌ

“Ва лақад насорокумуллоҳу бибадрин ва антум азиллатун” [Оли Имрон, 3/123]. Маъноси: “Аллоҳ таоло Бадр урушида, эй мўминлар, сизларга ёрдам берди, тўйқ эрса, сизлар ҳар тўғрида кучсиз эдинглар”. Чунки аскар сони душманларнидан уч маротаба оз эди. Уларнинг урушга ярамлик юздан ортиқ югурик отлари, яроғ-жабдуқлари комил бўла туриб, яна енгилдилар. Йўқ эса мўминларда бариси бўлиб, қари-ёш аралаш уч юз ўн уч киши, иккитағина отлари бор эди. Яна Қуръонда айтди:

وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ

“Ва ман насрү илла мин индиллоҳ”, яъни: “Нусрат ёлғиз Аллоҳдангина бўлур” [Оли Имрон, 3/126].

Ҳар бир мусулмон ўз кўнглида шундай ишончни чинлик билан ўрнатмоғи керак. Бундан сўнгра бутун қурол-яроғларни душманларга қарши қўйиб, уруш асбоб-усқуналарини юзда-юз тайёрлаш лозимдур. Бундин кейин таваккални Аллоҳга қилишдур. Аллоҳнинг амри ва Пайғамбаримизнинг кўрсатган йўллари умматларига шулдур, чунки бу ҳаёт дунёси – сабаб оламида турли ишлар бўлса, турли сабабларга боғланмишдур. Ҳеч бир иш сабабсиз вужудга келиши мумкин эмасдур. Агар шу олам ичидаги туриб сабабсиз бир иш пайдо бўлур эрса, у пайғамбар мўъжизаси ёки авлиё кароматидур. Булар бўлса, сабаб оламининг ташқарисида қудрат ишларидур. Аллоҳ мусулмонларни диний томондан қадарга имон келтириб, бутун

المرء مع من أحب

шартлари билан сабабни ушлашга буюрадур. Ким бўлса бўлсин, агар бу ишнинг сабабларини бутунлай тўлиғлаб унга киришар экан, албатта Аллоҳ таоло шу ишни вужудга чиқаргусидур. Ер устида, ҳаво остида яшайдурган барча инсонлар узра қўйилган илоҳий қонун шулдур. Бу қонунга бўйсунмаганларни, бошқалар қурол кучи билан келиб, оёқ остиларига топтаб, бўйинларини синдиргайлар.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Бу Бадр ғазоти инсон оламида қандоқ шон-шарафга эга бўлса, фаришталар ичида ундин ҳам даражаси ортиқдур. Бир куни Расулуллоҳ қошларига Жаброил алайҳиссалом келиб сўрадиким:

– Эй Муҳаммад, Бадр ғазотига қатнашган мўминларнинг олдиларингиздаги қадр-қимматлари қанчаликдур? Анда Расулуллоҳ айтдилар:

– Аларни биз бошқалардин ҳар тўғрида ортиқроқ кўрамиз. Энг юқори даражалик, шарофатли мусулмонлардин деб ҳисоблаймиз. Жаброил алайҳиссалом:

– Уларнинг хурматлари бизларда ҳам шундайдур. Бадр куни ҳозир бўлган фаришталарнинг бошқалардин мартабаси ортиқроқ, – деди.

Шунга кўра биз ҳам бу китобимизда Бадр ғозийларининг қутлуғ номларини ёзиб, кейинги мўминлар учун ёдгор қилмоқни лозим кўрдик. Аларнинг хосиятларидан умид қиласманки, Аллоҳ таоло бу китобни дунё борича барча оғатлардин ўз омонида асрағай ва дағи муни ўқиғувчи мусулмонларни бу китобдин баҳра қилғай, омин. Бихурмати саййидил-аввалин валоҳирин ва илайҳи ва Асҳобил-Бадрийин, омин.

Энди шу жойдин бошлаб Бадр асҳобларининг исми-шарифларини ёзурмиз. Ўтган улуғ алломаларнинг айтишларича, аларнинг сонлари уч юз ўн учдур. Лекин ҳадис олимларидан Ибн Сайидин-нос деган бир улуғ зот “Уъюни асар фи фунуни сияр” отлиқ китобида Бадр ғозийларини уч юз олтмишга еткузуб ёзмишдур. Эҳтиёт юзасидан биз ҳам шуни ихтиёр қиласманки. Аларга муҳаббатимиздан бошқа бу ишга ҳеч боис топмадик, чунки

“Алмаръу маъа ман аҳаб”, деган ҳадиснинг ривояти событдур. Яъни, Пайғамбаримиз айтдилар: *“Ҳар киши суйгани билан бирга бўлур”*.¹ Бу дунёда суйган бўлса, у дунёда ҳам шу билан бирга демакдур. Аллоҳдин умидим шулдурким, шу муҳаббатим билан Расулуллоҳнинг дийдорлариға мушарраф бўлғайман. Энди ул уч юз олтмиш эрларнинг бошлиғи Аллоҳнинг сайлаган сардори, одам наслининг саййиди, Расулуллоҳ лақаби, Абдуллоҳ ўғли Муҳаммаддур, соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анхунинг хотинлари Пайғамбаримизнинг қизлари, Руқиянинг шу ғазот кунларида касали оғирлашибди, шунинг учун ҳазрати Усмон бу ғазотга боролмай қолди. Мана шу отлари ёзилган эрлар Расулуллоҳ бошчилигига Аллоҳ ёрдамида ўзларига уч баробар кўп бўлган кучларни енгиги чиқдилар. Бу ғазотдаги ғолибият орқали:

– Мусулмонларнинг руҳи кўтарилди ва Ислом нури қоронғилиғни ёритди.

– Ислом дини бутун дунёга улуғ ўзгаришлар солмоққа йўл очди.

– Расулуллоҳнинг атоқлари, мусулмонларнинг ҳайбатлари тамом Арабистонни қоплади.

– Мадина шаҳрида ва атрофда пойлаб турган душманларга қўрқинч тушиб, кўплари динга кирдилар.

Муноғиқлар – Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг тилақдошлари – тил учидаги бўлса ҳам, имон келтиришга мажбур бўлдилар.

Бу урушда мусулмонлардан бариси бўлиб, ўн тўрт киши шаҳид бўлди, олти киши муҳожирлардан, саккиз киши ансорлардан эди. Аллоҳ – улардин, улар Аллоҳдин розидур. Бу Бадр ғазоти бўлса, ҳижратдин ўн саккиз ой ўтганда Рамазон ойининг бошларидаги бошланган эди. Яна шу ойининг 17-сида (624 й. 13 март) мусулмонларнинг ғалаба қозониши билан тамомланган эди. Ислом аҳли узра биринчи маротаба бўлган бу улуғ неъматни ҳар йили шу ой, шу кунлар келганда мусулмонлар эсларига олиб қўйишлари лозимдур.

ҚАЙНУҚОЬ ҒАЗОТИ

Расулуллоҳ Бадр ғазотидан қайтиб, Мадинага келгандаридан сўнг бир ой ҳам ўтмасдин туриб, Қайнуқоъ яхудлари Пайғамбаримиз билан қилган аҳд-паймонларини бузиб хиёнат қилдилар. Булар бўлса, яхудлар-араблар ичида урушчанлик-баҳодирлик билан номлари кўтарилиган эди. Темирчилик ва заргарлик ҳунарларида анчагина моҳир эдилар. Шунинг учун уруш асбоблари буларда мукаммал эди. Хотун-қизларга керакли зеб-зийнат, олтин-кумуш асбоблари уларнинг бозорларида кўпроқ сотилур эди. Бир куни бир мусулмон араб хотуни исирға-узук мисоли бир нарса олмоқчи бўлиб, бир яхудий заргар дўконига кириб, ўлтириди. У заргар хотунга тегишмоқчи бўлиб, бошига ёпинғон бурганчигини орқа томонидан тортиб боғлаб қўйди. Ўлтурган хотун билмасдин бирдан турганда бошидаги, эгнидаги кийимлари шипирилиб ерга тушди. Одатда ёт кишилар кўриши мумкин бўлмайдиган жойлари баданидан очилиб қолди. Ул ерда ўтиришган яхудлар қаҳ-қаҳлашиб ул хотунга кулдилар. Бунга хотуннинг хўрлиги келиб, “Мусулмон борми?” деб йиғлаб юборди. Бунинг ноласини эшитган мусулмонлардин бириси чида буролмай, қилич суғуриб, ул яхудийни чопиб ташлади. Буни кўрган кўпчилик яхудлар унинг устига хужум қилишиб, уни пора-пора қилдилар. Шу баҳона бўлиб, яхудлар билан мусулмонлар орасига душманлик тушиб, уруш кўзғалди.

Бу хабар Расулуллоҳга етгач, яхуд радисларидан бир нечаларини Мадинага чақирдилар. Аҳд бузгувчиларнинг охири ёмон бўлишини аларга айтиб:

— Ўртамизда тўхталган аҳд-паймонларимизга қараганда, сизларнинг бу ишинглар аҳдни бузмоқдур. Эй яхуд қавми! Биласизлар, албатта, мен Худо тарафидан келган ҳақ пайғамбардурман. Бу сўзнинг ростлигига шул ўқиб турган китобинглар Тавротни ҳамда Инжилни гувоҳ қилурман. Бу ҳақиқатни ўзинглар у китобларда кўриб, аниқ билгандин сўнгра яна инкор қилдинглар. Энди сизларга Аллоҳнинг ғазаби келгай, Бадр урушида Қурайш устига

тушган мусибат кунлари сизларга ҳам тушгай, – дедилар. Анда ул яхудлар:

– Эй Муҳаммад, сен бизларни ўз қавминг арабларидек ҷоғлама. Бадр урушидаги ғолибиятга алданиб, унга мағур бўлма. Уруш ишларида усталиги йўқлигидан Қурайш қабиласи сендан енгилдилар. Агар бизни ҳам улардек ҷоғлаб, биз билан тўқнашур бўлсанг, ана шунда урушнинг қандоқлиги ва кимлар уруш эрлари эканини билур эдинг, – дедилар.

Мана шу тоғда Аллоҳдин бу оят келди:

فُلْ لِلَّدِينِ كَفَرُوا سَتُغْلِبُونَ وَخُشُرُونَ إِلَى جَهَنَّمَ وَنُسْسَ أَلْمِهَادِ

“Қул лиллазийна кафару сатуғлабуна ва тухшаруна ила жаҳаннама ва биъсал миҳод” [Оли Имрон, 3/12], маъноси: “Эй Муҳаммад, бу коғирларга айтгил, агар биз билан урушур бўлсангиз, албатта, енгилурсиз, ўлдирилурсиз, сўнгра жаҳаннамга ийқилурсиз, борган жойингиз қандоқ ёмон ўринлигини шунда билгайсиз”, демакдур.

Сўнгра Расулуллоҳ яхудлардин яхшилик чиқмаслигини юқориги оят мазмунидан англадилар. Алар ҳам душманликларини очиқдан-очиқ билдириб, мусулмонларга ёғий бўлдилар. Бу сабаблардин Расулуллоҳ бошлиқ Ислом ғозийлари булар устига юруш қилдилар. Бу ғазотда Ислом туғини кўтариш ҳазрат Амир Ҳамзага топширилган эди. Мадинадан аскар чиққан хабарини эшитиб, яхудларга қаттиқ қўрқинч тушди. Юқориги оят мазмунича, Ислом аскарига кўзлари тушмай туриб, барилари қочиб, қўрғонга қамалдилар. Бунинг устига Расулуллоҳ қўшин билан келиб, ўн беш кун қўрғонни қаттиқ қамал қилдилар. Яхудларнинг хотун ва болаларидин бошқа урушга ярамлик аскарлари етти юз киши бор эди¹. Илоҳий томонидан буларнинг кўнгулларига қаттиқ қўрқинч тушганидан ҳеч қандоқ қаршилик кўрсата олмадилар. Охир Расулуллоҳдин ўзлари сўрадиларким, ёлғиз йўл озуғи билан бола-чақаларини олиб, араб тупроғидан чиқиб кетгайлар. Қолган мол-мулк, қўражойларини қолдирғайлар. Мана шу сўзга тўхтам бўлганидан сўнгра кўчиб кетмакка

уч кун муҳлат берилди. Бу ишга Убода ибн Сомит вакил бўлди. Араб тупроғидан ўтиб Шом тупроғига кирганда Азиот деган жойда ватан тутиб ўлтирдилар. Лекин йилига етмаёқ барчалари вабо касали билан ўлиб тугадилар.

САВИҚ ҒАЗОТИ

Бунинг баёни шундайдурким, ўтган Бадр ғазотида Макка мушриклари мусулмонлардин қаттиқ енгилган эдилар. Бу урушда Курайш бошлиғи Абу Суфённинг ўғли ва ҳам унинг яқин қариндошларидан бир қанчаси ҳалок бўлган эди. Булар орасида саййидлар ҳам бор эди. Аммо Абу Суфён Шом карвонининг бошлиғи бўлиб, ўйлда бўлганликдан ўзи бу урушда қатнашмаган эди. Шунинг учун бу мусибатга чидай олмай қаттиқ қайғурди. Тезлик билан мусулмонлардан ўч олмоқ фикрига тушиб, “Муҳаммаддин ўч олмагунимча, бошимга ва юз-қўзларимга сув теккизмайман”, деб араб одатича қасамёд қилди.

Шу қилган қасамини амалга ошириш учун Курайшдин икки юз кишини бирга олиб, Мадинага қараб йўлга тушди. Мадинага яқинлашганида яхудлардин Бани Назир қабиласининг раисларига учрашиб, аларни ҳам қўзғашни ўйлади. Шу мақсад ила Абу Суфён қабила раиси Ҳуяй ибн Ахтаб олдига кечқурун қоп-қоронғида келди. Киришга рухсат сўраб, эшик қоқсан эди, эшикни очмадилар. Бундин умиди узилгач, иккинчи раис Саллом ибн Мишкам қошига борди. Бу унга суюнчилик кўрсатиб, ҳурматлаб қарши олди. Зиёфат устида емакичмак ўтгандин кейин ҳар иккови яширинча сўзлашдилар. Сўнgra Абу Суфён унинг олдидан чиқиб, аскарларидин бир неча кишини Мадинага юборди. Уларнинг қилган ишлари – Мадинадан четроқда бўлган бир хурмозор боққа ўт қўйиб, ичидаги боғбонни тутиб ўлтирдилар.

Бу хабар Расулуллоҳга етгач, Пайғамбаримиз тезлик билан икки юз киши олиб, булар ортидан из қувиб чиқдилар. Киши ўлтириб қочган душманлар Абу Суфёнга келиб қўшилиши билан Расулуллоҳнинг келаётган хабарини англашиб, душман аскарига бузғунлик тушди. Шошганларидан

оғир юкларини қолдириб қочиб кетдилар. Уларнинг кетидан кўп хиёл ўтмай Ислом аскари ҳам етиб келди. Кўрдиларким, олишга улгурмай ташлаб қочган нарсаларининг кўпроғи арпа-буғдойнинг талқони экан. Шунинг учун бу ғазотга “Савиқ ғазоти” деб от қўйдилар. Араблар талқонни “савиқ” деб атайдилар. Бу ғазва Бадр ғазотидан икки ой сўнgra воқеъ бўлди³.

Ийд намозларини ўқиш амри: Ва шу иили Аллоҳ таоло мусулмонларга икки ийд намозини ўқимоққа буюрди. Бу икки ийд намозини бутун шаҳар ва қишлоқ халқлари бир жойда йиғилишиб ўқимоқ суннат бўлди. Бунинг ҳикмати шул эрдиким, бу йиғилган мусулмонлар диний бирлик-иттифоқларини кўзлари кўради. Барчалари бир Аллоҳнинг куллари, бир пайғамбар уммати эканликларини эсларида тутади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бирлик-иттифоқлик тўғрисидаги умматларига берган топшириқларини ёларидан чиқармасинлар.

Шунинг учун Расулуллоҳ бу икки ийд намозларида бутун мусулмонлар бир жойга йиғилишиб улуғ жамият билан намоз ўқиши суннат қилдилар. Бундан мақсадлари танишган-танишмаган барча мусулмонлар бир туғ остида йиғилганларини аларга билдириш эди. Шу иттифоқ ва муҳаббатларини чинғитиши (мустаҳкамлаш) учун чора кўриш лозим бўлганликдан бой кишиларга рўза ийдида камбағалларга фитр садақа бериш ва қурбон ойида қурбонлик қилиш вожиб бўлди. Бу икки эҳсоннинг аввалгиси йўқсилларга ийд харжиси бўлди. Иккинчиси эса улуғ байрам кунларида бойларнинг камбағалларга бермиш зиёфатидур.

**Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан**

Давоми бор...

¹ Имом Бухорий. Саҳихул Бухорий, Адаб, 96; Имом Муслим. Саҳихул Имом Муслим, Бирр, 165.

² Ибн Қайюм Жавзий. Зодул-маод (тарж.), т. 3, 234-бет.

³ Ибн Қайюм Жавзий. Зодул-маод (тарж.), т. 3, 233-бет.

Руанда мұсылмандары

Руанда – Шарқий Африкадаги деңгиз-га чиқиши имкони йўқ, тоғли рельефга эга мамлакат. Ушбу мусулмон жамияти вакиллари 1994 йилда жисмоний таҳдидга дуч келган ватандошларига энг сўнгги имконияти даражасида ёрдам кўрсатдилар.

Мусулмонларнинг ушбу фидойилиги мазкур Африка давлатида Исломга мойил инсонларнинг кескин кўпайишига сабаб бўлди.

Руанда муфтийиси ёрдамчиси Шайх Солих Нсхимимананинг айтишича, 1994 йилда юз берган даҳшатли жиноят – геноцидлардан бирида мусулмонлар ҳам жабр кўрган.

Конли воқеалар юз берган вақтда мамлакат пойтахт шаҳри Кигалидаги Муаммар Қаззофий номидаги энг катта масжид ҳамда Ислом маданияти марказидан ҳимоя сўраб борган тутси халқи вакиллари билан бирга юзлаб мусулмонлар ҳам ўлдирилган эди.

Шунингдек, Шайх Солих Нсхимимананинг тарькидлашича, 1994 йилги геноцидда давлат раҳбарлари мусулмонларга бегоналардек муносабатда бўлган. Мусулмонлар ҳам худди тутсиларга ўхшаб камситишига ва қирғинга учраган эди.

Унинг сўзларига кўра, мамлакатдаги оммавий қонли қирғин пайтида мусулмонлар тутсиларни ҳимоясига олган, шунингдек, геноцид иштирокчиларининг қонли ҳаракатларини қўллаб-қувватламаган хутуларга ҳам ёрдам қўлини чўзган. “Мусулмонлар ватандошларини масжид-

ларга, ўзларининг уйларига яширдилар ва ўзларининг ҳаётларини гаровга кўйиб ҳимоя қилдилар”, дейди Руанда муфтийиси ёрдамчиси.

«Мусулмонлар қайси динга мансублиги-га қарамасдан, ҳаммани ҳимоя қилдилар, Бу осон бўлмади. Мусулмонлар геноцидга учраган насронийлар ва бошқа дин вакилларининг ҳимоясида маҳкам туришди. Буни бизга муқаддас китобимиз Куръони карим ўргатган”, деб сўзини давом эттиради Нсхимимана.

“Қаззофий” масжиди жамоасининг 35 ёшли вакили Абдулкарим Мухизий ўша мудҳиш воқеаларни қуйидагича хотирлайди: “Руанда мусулмонлари ўшанда қаттиқ қийинчиликларга дучор бўлган эди. Масалан, мен ўша вақтда ёш бола бўлганман ва мени католик мазҳабини қабул қилишга мажбурламоқчи бўлишганди”.

Авваллари Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расмий байрам ҳисобланмаган. Ҳозирги ҳукумат қарори билан эса, исломий байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинган.

Расмий статистикага кўра, ҳозир Руанда аҳолисининг тўрт ярим фоизи мусулмон. Бироқ муфтиятнинг маълумотига қараганда, 13.5 миллиондан иборат мамлакат аҳолисининг ҳар ўн нафаридан бири Ислом динига эътиқод қиласди. Мамлакатда 500дан ортиқ масжид фаолият кўрсатади.

Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.